

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗИ, ТАРИХ
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ФАҢ ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒОЙИБОВ БОБИР СОБИРОВИЧ

**СУҒД КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ,
ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАНАЗЗУЛИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2017

Докторлик диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of abstract of the Doctor of Science (DSc) dissertation

Ғойибов Бобир Собирович

Суғд конфедерациясининг

шаклланиши, таракқиёти ва таназзули5

Гойибов Бобир Собирович

Формирование, развитие и упадок

Согдийской конфедерации32

Goyibov Bobir Sobirovich

The formation, development

and decline of Sogd confederation62

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works65

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗИ, ТАРИХ
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒОЙИБОВ БОБИР СОБИРОВИЧ

**СУҒД КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ,
ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАНАЗЗУЛИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2017

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3. DSc/Таг69 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва “ZiyoNET” (www.ziyounet.uz) ахборот-таълим тармоғига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович**
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мавланов Ўктам Махмасобирович**
тарих фанлари доктори, профессор

Ахунджанов Эркин Адилевич
тарих фанлари доктори, профессор

Эшов Баҳодир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **ЎзР ФА Шарқшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик маркази, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» «____» соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Тарих факультети, 1 қават, 110-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871)246-02-24; E-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон миллий университети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» ____ кунда тарқатилди.
(2017 йил «__» ____даги ____-рақамли реестр баённомаси)

А.А. Маврулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д. профессор

Х.Э. Юнусова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби т.ф.д.

С.Б. Шадманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси т.ф.д.

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кечаётган бугунги мураккаб жараёнлар ҳар бир халқнинг инсоният тараққиётида тутган ўрнини аниқлаш эҳтиёжини туғдирмоқда. Ўз ўтмиши ва кадриятларини билиш ҳар бир халқнинг тинчлиги, фаровонлиги ва равнақи учун мустаҳкам пойдевор яратади. Бу эса ўз навбатида тарихни чуқур ўрганиш ва билишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам тарих фани жаҳон миқёсида тобора амалий аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўзбек халқи давлатчилиги тарихини ўрганишга, миллий ўзлиқни, маънавий кадриятларни тиклашга жиддий эътибор қаратила бошланди. Ушбу заруриятнинг назарий методологик асослари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, тарихчи олимлар учун ўзбек халқи ва унинг уч минг йиллик миллий давлатчилиги тарихини ўрганишда дастурил амал қилиб берилди¹. Ушбу концептуал талаб асосида ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг илк ўрта асрлар босқичини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга². Бу давр ўзбек давлатчилиги тарихида ноёб сиёсий тажриба даври бўлди: Буюк Турк хоқонлиги салтанати ўз таркибига бир қатор маҳаллий давлат уюшмаларини, жумладан, Тохаристон, Чоч, Суғд, Фарғона, Уструшонани, уларнинг ҳар бири учун ўз ички нисбий мухториятини сақлаган ҳолда бирлаштирган эди.

Жаҳон тарихида кам учрайдиган бу ноёб сиёсий бошқарув шакли бир томондан хоқонлик марказий бошқаруви учун, иккинчи томондан ўз даврида Зарафшон водийси ва Қашқадарё воҳасини эгаллаган Суғд конфедерацияси учун бирдек манфаатли ва самарадор бўлган³. Суғднинг қадимги Марказий Осиё – Ҳиндистон йўли бўйлаб, кейинчалик эса Буюк ипак йўли орқали халқаро савдо-иқтисодий, маданий муносабатларда юзага келган анъанавий воситачилик вазифаси турли босқичларда уни ўзига тобе қилишдан манфаатдор салтанатларни қизиқтириб келган. Бироқ ҳар бир вазиятда, қайси давлат таркибида бўлмасин, Суғднинг ички мухториятини сақлашдан ҳукмрон давлат манфаатдор бўлган. Бу эса, ўз навбатида Суғд ерларининг ички конфедератив уюшмаси шаклланишига имкон яратган. Турк хоқонлиги таркибига кирган ҳолда турли даражада нисбий мустақил амал қилган маҳаллий ҳукмдорликлар тарихини яхлит, тизимли ўрганиш жиддий илмий муаммолар мажмуини ташкил этади. Бу масалага фанда зарур эътибор берилмаган. Шу жумладан, Суғд конфедерациясининг шаклланиши, тараққиёти ва таназзули билан боғлиқ махсус тадқиқот ҳам яратилмаган. Бу вазият диссертациянинг долзарблигини белгилайди.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Т. VII. – Б.132-154.

² Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси / O'zbekiston tarixi. – 1999. – № 1. – Б. 31-34.

³ «Суғд конфедерацияси» ибораси Самарқанд Суғди, Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликлари (Марказий Суғд) маъносида ишлатилди. 22 маҳаллий мулкни бирлаштирган Бухоро Суғди махсус тадқиқот объекти сифатида очик қолдирилди.

Давлатчилик тараққиёти босқичларидан бирини тадқиқ этиш орқали сиёсий бошқарув масалаларини ҳал этишда ўзига хос илғор ва манфаатли ечимларни топиш, уларни амалда қўллаш тажрибасининг азалдан мавжуд эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан аниқ маълумотларга таянган ҳолда асослаш диссертациянинг бажарилишига бўлган заруратни белгилаб берди. Шунингдек, тадқиқотнинг зарурлиги Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг тарихчи олимлар билан 1998 йил 26 июнда бўлган суҳбати чоғида таъкидлаган ғоялари асосида халқимиз ва миллий давлатчилигимизнинг ҳаққоний тарихини тиклаш олимлар зиммасидаги масъулият билан ҳам боғлиқ.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Суғдшунослик доирасида Суғд конфедерацияси муаммоларига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Шарқ ва Африка тадқиқотлари уюшмаси (Буюк Британия), Париж ижтимоий фанлар тадқиқот маркази (Франция), Киото университети (Япония), Россия Фанлар академияси Лингвистик тадқиқотлар институти (Москва), Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург), Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон суғдшунослигида мавзуимиз доирасида бир қатор натижалар қўлга киритилган. Жумладан, Муғ тоғи суғдий ҳужжатлар мажмуининг илмий изоҳлари билан нашрлари амалга оширилган (Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти, Санкт-Петербург); илк ўрта асрларда Суғдда Марказий Осиё халқлари давлатчилик тарихининг ривожланган босқичи кечганлиги ёзма манбалар асосида илмий исботланган (Шарқ ва Африка тадқиқотлари уюшмаси, Буюк Британия), Суғднинг Буюк ипак йўлидаги интеграцион жараёнларда тутган ўрни очиб берилган (Париж ижтимоий фанлар тадқиқот маркази, Франция), Хитой ва Япония музейларида сақланаётган суғдий ҳужжатлар орқали Суғд тарихига дахлдор маданият, ёзув, сиёсий ҳаётга оид маълумотлар аниқланган (Киото университети Тил тадқиқотлари маркази, Япония).

Бугунги кунда Суғд тарихига доир қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: суғдий ёзма ёдгорликлар асосида Суғднинг тарихий-географик тадқиқи; Суғддаги танга зарби, савдо иқтисодий муносабатлар тарихи; тангалардаги ёзувлар палеографияси, Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари асосида илк ўрта асрлар Суғд хўжалик тарихи; ёзма ёдгорликлар асосида Суғднинг диний-ахлоқий, фалсафий, маънавий ҳаёти тарихи.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.brill.com>; <https://www.ehess.fr>; <https://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.ivran.ru>; <https://iling.spb.ru>; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://uzhistory.uz>; <https://www.soas.ac.uk> ва бошқа манбалар асосида.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маркази Самарқанд бўлган Суғд конфедерацияси Кеш, Нахшаб, Панч, Маймурғ, Иштихон, Кабудон, Кушония, Фай каби ҳукмдорликларни бирлаштирган. Бироқ махсус Суғд конфедерацияси тарихи яратилмаган⁵. Чунки Суғд тарихига конфедератив тузилма сифатида қарашнинг ўзи янги илмий нуктаи-назардир. Суғдга нисбатан «конфедерация» сўзи баъзан турли муносабатлар билан йўл-йўлакай изоҳсиз ишлатиб ўтилган, холос. Шу боис масала тарихшунослиги муаммоларига ўз муносабатимизни тадқиқотнинг мазкур муаммога бағишланган бўлимида баён этишни лозим топдик.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТД-1 «Ўзбекистон худудида давлатчилик тарихи» (2010 – 2015 йй.) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Суғд конфедерациясининг тутган ўрни ва хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Суғд тарихи акс эттирилган манба ва адабиётларни таҳлил этган ҳолда мавзунинг манбашунослик ва тарихшунослик асосларини аниқлаш;

конфедерациянинг шаклланиши ва инқирози билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий омиллар моҳиятини очиб бериш;

Суғд конфедератив уюшмасининг таркибий тузилиши ва субъектларнинг ўзаро ички муносабатларини аниқлаш;

Суғд конфедерациясининг Турк хоқонлиги таркибидаги тараққиёти ва сиёсий мавқеини очиб бериш;

конфедерация ҳукмдорликларининг географияси, маъмурий бўлиниши, бошқарув тизимларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиш;

конфедерация маркази (Самарқанд) ва уюшманинг алоҳида ҳукмдорликлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш.

Тадқиқот объекти. Илк ўрта асрларда Суғд конфедерацияси тарихи.

Тадқиқот предмети Суғд конфедерациясининг шаклланиши, сиёсий мақоми, ривожланиши ва таназзулининг омилларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий муаммони ҳал қилишда тарихий таққослаш, сабаб, жараён ва натижа боғлиқлиги, тарихий билишнинг холислик, тарихийлик ҳамда тизимлилик тамойилларидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зарафшон водийси ва Қашқадарё воҳалари бўйлаб жойлашган Суғд конфедерациясининг шаклланиши унинг таркибига кирган субъектларнинг иқтисодий (танга зарби, марказий ҳокимият олдида молиявий мажбуриятлар), сиёсий (Самарқанд Суғдини марказий ҳокимият сифатида тан олиш), ҳарбий (ташқи душманга қарши кучларни бирлаштириш тамойили), диний омиллар (зардуштийлик) муштараклиги асосида юзага келгани исботланган;

⁵ Бу масала «Суғд конфедерацияси тарихига оид тадқиқотлар: муаммонинг тарихшунослиги» номли биринчи бобнинг иккинчи бандида алоҳида ёритилган.

Суғд конфедерацияси бошқарувида амал қилган марказий, маҳаллий (суғдий), туркий унвонларнинг вазифалари (хўжалик, молия, ижтимоий, сиёсий ва диний) ва уларнинг субъектлараро фарқли жиҳатлари аниқланган;

Конфедерация субъектларининг тарихий-маъмурий бўлиниш омиллари (тоғ, дарё, канал, чўл каби табиий чегаралар, сиёсий бирликдан манфаатдорлик) ва уларнинг давлат маркази Самарқанд билан боғлиқлик даражалари далиллар асосида аниқланган;

Суғд марказий ҳокимиятининг Турк хоқонлигидан нисбий мухториятининг сиёсий (никоҳ муносабатлари, дипломатик муносабатлар) ва иқтисодий (танга зарби, иқтисодий салоҳияти) сабаблари очиқ берилган.

Суғд конфедерациясининг Кабудон ва Иштихон мулкларининг алоҳида мустақил маъмурий бирлик бўлганлиги ҳамда ушбу ҳукмдорликлар устидан бир муддат Уструшонанинг ҳукмрон бўлмаганлиги исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда конфедерация тақдири учун курашган ватанпарварлар Тархун, Гурак, Деваштич, Корзанч каби шахслар сиймоси тарихийлик тамойили асосида очиқ берилганки, бу маълумотларни кенг тарғиб қилиш халқимизнинг тарихий тафаккурини бойитишга хизмат қилади;

Суғднинг Турк хоқонлиги таркибидаги субъектлар қатори сиёсий жарёнлардаги фаол иштироки тарихимизда сиёсий бошқарувнинг марказ ва субъектлараро манфаатли тизими сифатида ноёб тажриба деб баҳоланар экан, бу давлатчилик тарихининг назарий муаммоларини ёритишда манбавий маълумот вазифасини ўтайди;

минтақанинг қадимий халқлари – туркий ва суғдий этносларнинг чуқур этномаданий анъанавий алоқаларига доир хулосалар ҳозирги шароитда қадимги туркий ва суғдий этносларнинг бевосита давомчилари бўлмиш ўзбек ва тожик халқларининг дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди;

диссертация натижаларидан ўқув адабиёти, илмий оммабоп ишлар тайёрлашда ҳам фойдаланилди. Жумладан, тадқиқот материаллари асосида «Деваштич» номли тарихий рисола чоп эттирилиб, ишнинг амалий натижаларидан бири сифатида оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Суғд конфедерацияси тарихини тадқиқ этишда бирламчи манбалар ҳисобланган суғдий ёзма ёдгорликларнинг қиёсий таҳлили билан асосланган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг мантиқий асосланиши муаммони ёритишда қўлланилган хитой, араб, форс тилларидаги манбалар, нумизматик материалларнинг илмий талқини асосида баҳоланган ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилгани ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбек халқи давлатчилигида илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихига оид методологик-услубий ёндашувлар ва назарий хулосаларни мукамаллаштиради. Бошқарувнинг нисбий автономия кўриниши тарихига оид қадимий анъананинг феноменологик жиҳатлари асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, у давлатчилик тарихи, тарихий-география, манбашунослик, атамашунослик тадқиқотлари учун амалий тажриба вазифасини ўтайди. Шунингдек, ижтимоий-гуманитар йўналишлар учун таълим жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Суғд конфедерациясининг шаклланиши, тараққиёти ва таназзули» мавзуидаги докторлик диссертацияси юзасидан илмий изланишлар натижаларининг жорий қилиниши:

Суғд конфедерациясининг Буюк ипак йўли бўйлаб олиб борган ташки иқтисодий фаолияти ва мазкур минтақанинг молиявий ҳаётига оид илмий натижалардан Ўзбекистон тарихи давлат музейида ташкил этилган «Ўзбекистон Буюк ипак йўли чорраҳасида» мавзуидаги экспозицияни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2016 йил 14 сентябрдаги 3/1255-1147-сон маълумотномаси). Бу эса Суғддаги илк ўрта асрлар иқтисодий ҳаёт даражаси ва молиявий тизим ҳолатини суғдий манбалар асосида аниқ баҳолаш имконини берган;

Суғд конфедерацияси тарихининг ижтимоий, сиёсий ҳаётига оид суғдий атамаларнинг талқини натижаси бўйича илмий хулосалардан Самарқанд Давлат бирлашган тарихий меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси фондларида сақланадиган кп-2934/4 (васиқа), кп-6000 (тилхат), кп-3786/2 (мактуб) рақамли суғдий ҳужжатларни изоҳли таржима қилишда фойдаланилган (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил 26 июлдаги 01-11-08-3924 сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши ушбу суғдий ҳужжатларнинг туб мазмунини музей ташрифчилари учун очиб беришга хизмат қилмоқда;

Суғд конфедерациясининг шаклланиши, тараққиёти ва таназзули тарихи юзасидан илмий хулосалар ва таклифлар асосида илк ўрта асрлар Суғд конфедерацияси тарихига оид хитой, суғдий, араб, форс, қадимги туркий, арман, бохтарий тилларидаги манбалар таҳлили натижалари асосида Ф1-ФА-0-83775 «Суғд ва Уструшонанинг антик ва ўрта асрлар даври маданиятида урбанизация жараёнлари» номли фундаментал лойиҳанинг «Суғд тарихининг илк ўрта аср манбашунослиги» қисми ёзилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 13 июндаги ФТК-03-13/462-сон маълумотномаси). Бу эса Марказий Осиё маданиятидаги урбанизация жараёнларига Суғддаги шаҳарсозлик, ёзув маданиятининг таъсирини манбалар асосида очиб бериш имкониятини берган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, 19 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар ҳамда иловалардан иборат. Ҳажми 221 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарура-ти асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суғд конфедерацияси тарихининг манбашунослиги ва тарихшунослиги**» деб номланган биринчи бобида муаммога доир манбалар ўрганилган бўлиб, бобнинг «**Илк ўрта асрлар Суғд конфедерацияси тарихига оид манбалар тавсифи**» номли биринчи бандида муаммога доир манбалар таҳлил этилган.

Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин эгаллаган Суғд тарихий-маданий ўлкаси ўзининг географик жойлашув, иқтисодий салоҳиятига таянган ҳолда уни бўйсундиришга ҳаракат қилган салтанатлар таркибида ўз ички мустақиллигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Мазкур ҳолат Суғд маъмурий бирликларининг конфедерацияга бирлашишига олиб келган. Натижада Суғдда конфедерациянинг ички хусусиятлари шаклланган. Буни Суғд ҳукмдорликларидаги танга зарби ва солиқ тизими⁶, ҳар бир ҳукмдорликнинг ўз қўшинига эга бўлганлиги⁷, конфедерация ҳукмдорларининг ягона хонадонга мансублиги⁸ каби мисоллар тасдиқлайди. Конфедератив давлатнинг ички хусусиятларини намойиш этувчи мазкур ҳолатлар, уларни ўзида мужассамлаштирган Суғд тарихига конфедератив тузилма сифатида қараш кераклигини тақозо этади.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаган халқларга доир маълумотлар хитой йилномаларида⁹, хусусан, «Бэй ши», «Суй шу» ва «Тан шу»да учрайди. Мазкур манбаларда Суғд конфедерацияси таркибидаги маъмурий бирликлардан Самарқанд (*Кан*), Кеш / Шахрисабз (*Шы, Ши*), Насаф / Қарши (*Нашебо, Нашеболо*), Маймурғ (*Ми*), Кушония (*Хэ*) ҳукмдорликларининг географик жойлашуви, аҳолиси, уларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий-маиший ҳаётининг айрим қирралари қайд қилинган¹⁰.

«Бэй ши», «Суй шу», «Тан шу» йилномалари Суғд конфедерацияси тарихининг деярли бутун даврини қамраб олган. «Бэй ши» ва «Суй шу» йилно-

⁶ *Смирнова О.И.* Сводный каталог согдийских монет. – М: Наука, 1981. – С. 35-43, 306-308, 393-398; *Зеймаль Е.В.* Древние монеты Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1983. – С. 269-273; *Эрназарова Т., Кочнев Б.* Тангалар ўтмиш даракчилари. – Тошкент: Фан, 1977. – С. 9.

⁷ *Beckwith C.I.* Aspects of the Early History of the Central Asian Guard corpus of Islam // АЕМА. – Wiesbaden, 1984. – Том IV. – Р. 36-38; *Смирнова О.И.* Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 48.

⁸ *Бичурин Н.Я. (Иакинф)* Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.-Л.: Изд. АН СССР. –Том II. – 1950. – С. 271-276, 280-281.

⁹ *Хўжаев А.* Хитой манбалари / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд 1-китоб. V-XI асрлар. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 22-46.

¹⁰ *Малявкин А.Г.* Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. – Новосибирск: Наука, 1989. – С. 77.

маларида келтирилишича, «*Кан* (Самарқанд)да ибодатхонада турадиган тузуклар (мажмуаси) бор. (Бирон бир) жазони белгилашда ушбу тузуклар (мажмуаси)ни олиб, унга асосланган ҳолда ҳукм чиқарадилар ва жазо тайинлайдилар»¹¹. Суғдшунос В.А.Лившиц фикрига кўра, мазкур ибодатхона Ўттегин ва Дуғдғунча орасида никоҳ шартномаси тузилган жой ҳисобланади¹². Ушбу Қонунлар уйи маҳкама ҳисобланадиган бўлса, унинг Самарқанд яқинидаги Кофирқалъада бўлганлиги борасида фикрлар¹³ муаммонинг аниқ моҳиятини очиб бериш имкониятини беради.

Муаммога доир суғдий тилдаги манбаларнинг асосий қисмини Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари ташкил этиб, уларнинг катта қисмида конфедерациянинг араблар босқини арафасидаги сиёсий, иқтисодий ҳолати, бошқарувда қўлланилган унвон, атамаларга оид маълумотлар учрайди. Шунингдек, Суғд конфедерацияси тарихи билан боғлиқ маълумотлар «Кўхна хатлар», Култўба эпиграфик материаллари, Афросиёб деворий суратларида акс этган. Ушбу манбаларнинг конфедерация тарихини ёритишдаги аҳамияти шуки, улар бевосита воқеалар кечган давр ичида ёзилган¹⁴.

Суғд конфедерацияси тарихига доир маълумотлар келтирилган араб ва форс манбаларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: сиёсий¹⁵ ва тарихий-географик¹⁶. Мазкур асарлар Араб халифалиги кучлари Суғдни босиб олганларидан кейин ёзилган бўлса-да, улардаги маълумотлар тарихий ҳақиқатга мос келади. Хусусан, ат-Табарий арабларга қарши кураш олиб борган Деваштич бошчилигида суғдийлар кўзғолонини алоҳида қайд этган. Муаллифнинг турк хокони ҳақидаги ҳикояси, Самарқанд ҳукмдори Ғуракнинг Хитойга юборган мактуби конфедерациянинг ташқи алоқаларини тадқиқ этишда бирламчи манбалар ҳисобланади. Шунингдек, мазкур асарларда Суғднинг маъмурий бўлиниши ва солиқ сиёсати билан боғлиқ маълумотлар ҳам келтирилган. Улар диссертацияда қиёсий таҳлил қилинган.

Суғд тарихига оид маълумотлар турли тиллардаги манбалар орқали маълум. Жумладан, суғдий ва туркий тилда битилган битиктошларда конфе-

¹¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1950. – Том II. – С. 271, 281.

¹² Согдийские документы с горы Муг. Вып. II / Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица (Кейинги ўринларда СДГМ II). – М.: Изд. Вост. лит.-ры, 1962. – С. 38.

¹³ Бердимуратов А., Мантеллини С., Матбабаев Б. Кафирқала – загородная резиденция Самарқандских правителей / Самарқанд шахрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Республика конференцияси материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – С. 73-77.

¹⁴ Суғдий ибораларни ўқишда ва уларни муомалага киритишда француз суғдшуноси Р. Готье томонидан ишлаб чиқилган транскрипция коидаларига мурожаат қилинди. Бундан ташқари, суғдий сўзларнинг талқини борасида М. Исхоков, Ғ. Бобоёров ва А. Отахўжаевларнинг маслаҳатларидан фойдаланилди.

¹⁵ История ат-Табари / Перевод с араб. В.И. Беляева с доп. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 165-167, 169, 203-255, 369; Беруний Абу Райҳон. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар. Том I. – Тошкент: Фан, 1966. 71-72, 129; Наршахий Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А. Расулев таржимаси. Мерос. – Тошкент: 1991. – Б. 118; Гардизий Абу Саид. Зайн ал-ахбар / Пер. с персидского языка А.К. Арндса. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 30.

¹⁶ Хордабех Ибн. Китаб ал-масалик ва-л-мамалик (Книга путей и стран) / Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Наили Велихановой. – Баку: Элм, 1986. – С. 60; Материалы по истории туркмен и Туркмении (Кейинги ўринларда МИТТ). – Л.: 1939. – Т. I. – С. 62-66; 144-146.

дерациянинг хоқонлик таркибига кириши тарихи акс этган¹⁷, бактрия тилидаги¹⁸ манбаларда асосан Суғд тарихи билан боғлиқ бўлган баъзи унвон ва атамалар келтирилган¹⁹. Византия муаллифлари маълумотларида эса Маниах бошчилигидаги элчилик²⁰ ва Суғднинг хоқонлик таркибидаги сиёсий ҳолати ўз аксини топган²¹. Арман манбаларида суғдий этноснинг хоқонлик таркибидаги ўрни акс эттирилган²². Ушбу маълумотлар бевосита конфедерацияга дахлдор бўлмаса-да, умумсуғд тарихини ўрганишда муҳим ўринга эга.

Биринчи бобнинг **“Суғд конфедерацияси тарихига оид тадқиқотлар: муаммонинг тарихшунослиги”** номли иккинчи бандида мавзуга оид асарлар мазмунидан келиб чиқиб таҳлил этилган. Хусусан, диссертацияда суғдий ёзма ёдгорликларни таржима, палеографияси ва лингвистик таҳлили²³, Суғд топонимикаси ва топографияси²⁴, археологияси²⁵, нумизматикаси²⁶ ва Суғд тарихининг умумий жиҳатларига²⁷ оид ишлар таҳлил қилинган.

Манбаларда келтирилган маълумотлар тизимли эмас, улар баъзан қисқа ва бошқа масалалар муносабати билан қайд этилган, баъзан эса ноаниқ маълумотлар келтирилган. Уларда Суғд тарихи конфедерация тарихи сифатида тадқиқот объекти қилиб қўйилмаган. Шу сабабли бу борада қатор бирёқлама фикрлар келиб чиққан. Суғднинг конфедерация ҳолатига киришидаги тарихий шарт-шароит, муҳим омиллари масаласи тадқиқотларда ўз аксини топмаган. Амалга оширилган илмий ишларда эса ушбу муаммо ўртага қўйилмаган. Бундан ташқари, илк ўрта асрлар даврига келиб, Суғднинг хоқонлик

¹⁷ Малов С.Е. Памятники дренетюркской письменности. Тексты и исследования. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1951. – С. 20-25; 28-30; 33-43; 38-39.

¹⁸ Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. I: Legal and Economic Documents. Corpus Inscriptionum Iranicarum, 2.3.1. – Oxford: 2000. – P. 74, 82, 88, 98.

¹⁹ Симс-Вильямс Н. Новые бактрийские документы // Вестник древней истории. – М.: 1997. – № 3. – С. 3-11.

²⁰ Дашков С.Б. Цари царей – Сасаниды. Иран III-VIII вв. в легендах, исторических хрониках и современных исследованиях. – М.: 2008. – С. 148.

²¹ Чичуров И.С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980. – С. 54-55, 59, 159-160.

²² Тер-Мкртчян Л.Х. Армянские источники о Средней Азии V-VII вв. – М.: Наука, 1979. – С. 37, 63.

²³ Gershevich I. A grammar of Manichaean Sogdian. – Oxford: 1954. – С. 12; Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygyz, 2006. – №1. – P. 95-111; Grenet F., É. de La Vaissière. The last days of Pandjikent. Silk Road Art and Archaeology. 8. // Journal of the Institute of Silk Road Studies. – Kamakura, 2002. – P. 155-196; СДГМ I. – С. 5-13; СДГМ II. – 222 с.; СДГМ III. – 125 с.; Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Ташкент: 2008. – С. 120-145; Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – 219 б.; Бабаяров Г., Кубатин А. Доисламские монеты Согда: новые чтения и интерпретации легенд // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида. – Самарқанд: 2012. – С. 11-23.

²⁴ Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики верхнего Зарафшана // Материалы и исследования по истории и археологии СССР. 1950. – №15. – С. 56-66; Камалиддин Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. – Ташкент: Ўзбекистон, 1996. – 422 с.; Лурье П. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дисс. ... канд. филол. наук. – СПб.: 2004. – 305 с.

²⁵ Распопова В.И., Шишкина Г.В. Согд // Средняя Азия в раннем средневековье. Под редакцией Г.А. Брыкиной. – М.: 1999. – С. 220-241; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – 342 с.

²⁶ Allot de la Fue. Monnaies incertaines de la Sogdiane et descontres voisines // Revue numismatique. – Paris: 1910; 1925; 1926. – P. 40; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. – М.: Наука, 1981.

²⁷ Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, Древняя и средневековая история. Кн. 1. – Душанбе: Ирфон, 1989. – 381 с.; Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. – Paris: College de France, 2004. – 286 p.; Шоёқубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2008. – Б. 45; Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар / O'zbekiston tarixi, 2004, №1. – Б. 52-61.

таркибидаги мухторият ҳолати бирёқлама ёритилиб келинган. Тадқиқотда бу ҳақдаги хулосалар аниқлаштирилган ҳамда манба ва илмий адабиётлардаги конфедерация тарихига оид маълумотлар танқидий ўрганилган.

Тадқиқотнинг «**Суғд конфедерациясининг шаклланиши ва маъмурий бўлиниши**» деб номланган иккинчи бобида конфедерация шаклланишининг омиллари, унинг таркибидаги ҳукмдорликларнинг маъмурий-сиёсий мақомига оид ички ва ташқи омиллар очиб берилган. Хусусан, иккинчи бобнинг «**«Конфедерация» тушунчаси ва унинг илк ўрта аср Суғд давлатчилигида акс этиши**» деб номланган биринчи бандида конфедерация тушунчасининг Суғд давлатчилигида акс этишига эътибор қаратилган.

Ер юзининг аксарият ҳудудларида бўлганидек, Марказий Осиёда ҳам илк давлатлар ўтроқ аҳоли яшайдиган воҳаларда – дастлаб, Мурғоб, Амударё ва Зарафшон каби дарёлар ҳавзаларида вужудга келган²⁸. Давлатнинг пайдо бўлишига олиб келган омилларнинг хусусиятлари эса давлатларнинг таснифини белгилаб беради. Ушбу омиллар давлат фуқароларининг ҳудудий жойлашув жиҳатларида, ҳокимиятнинг сиёсий хусусиятларида, солиқ тизимида, халқаро муносабатлардаги мустақилликда, давлатнинг ҳукуқий меъёрларида, мансаблар иерархиясида намоён бўлади. Давлатни шакллантиришга хизмат қилувчи мазкур ҳолатлар Марказий Осиё минтақасида давлатнинг вужудга келишини “цивилизациявий ёндашув” асосида тушунтириб бериш мумкинлигини кўрсатмоқда. Зеро, цивилизациявий ёндашувда давлатчиликнинг вужудга келишини белгилаб берувчи асосий омиллар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўлчамлари, унинг маънавий-мафкуравий хусусиятлари, табиий-географик ҳолати билан боғлиқ ҳолда қаралади²⁹.

“Цивилизациявий ёндашув”га кўра, давлатнинг ривожланиши деҳқончиликнинг тараққий этиши, ҳунармандчиликнинг мустақил ишлаб чиқариш соҳасига айланиши натижасида мулкий муносабатлардаги тенгсизлик вужудга келиб, қабила бошлиқлари, коҳинлар, ҳарбийларнинг жамиятдаги мавқеи ошиб, илк шаҳар-давлатлар вужудга келган³⁰. Илк ўрта асрлар даврига келиб эса ўтроқ турмуш тарзи ҳукмрон бўлган зироатчилик воҳаларида қабилалар ҳарбий ташкилотлари аҳамиятининг ошиши натижасида ҳудудий-сиёсий уюшмалар кўринишдаги давлат бирлашмалари шаклланган³¹. Мазкур сиёсий уюшмалар бошқарув тизимида конфедератив асос етакчи бўлиб, ушбу давлат тузилмасига илк ўрта асрларда Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида жойлашган Суғдни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Марказ билан нисбий боғлиқликда фаолият юритган³², ноёб бошқарув шаклига эга бўлган илк ўрта асрлар Суғд (Зарафшон воҳаси ва Қашқадарё водийси) ўлкаси бошқаруви учун ҳам конфедератив шакл хос бўлган. Бу

²⁸ Ширинов Т. Қадимги Бактрия подшолиги. Катта Хоразм // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: 2001. – Б. 8-9.

²⁹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 19, 28-29.

³⁰ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. – Ташкент: Адолат, 2001. – С. 22-25.

³¹ Морозова Л.А. Теория государства и права. – М.: Изд. Эксмо, 2009. – С. 74.

³² Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқарув тарихи. – Тошкент: 2012. – Б. 147-148.

ҳақда бир қатор ёзма (хитой йилномалари, суғдий ҳужжатлар, араб тилли манбалар) ва нумизматик манбалар бизгача етиб келган бўлса-да, Суғддаги конфедератив асосдаги бошқарув шакли ва унинг хусусиятлари тадқиқотчилар назаридан четда қолган.

Суғднинг конфедератив асосда бошқарилганлигига доир илк ишоралар В.Б.Хеннинг³³, Б.Гафуров тадқиқотларида келтирилади³⁴. Э.В.Ртвеладзе ҳам «конфедерация» типдаги давлат уюшмаси давлатчилиқнинг чекланган монархия типига дахлдор деб келтиради. Олим мустақил танга зарбини конфедерациянинг асоси деб ҳисоблайди³⁵. Суғд тарихи юзасидан изланишлар олиб борган В.Лившиц, М.Исҳоқов, А.Отахўжаев, Ғ.Бобоёров, Ш.Шоёкубовлар ҳам «Суғд конфедерацияси» иборасини ишлатишади. Муаммога доир умумий ишларда³⁶ ҳам Суғднинг конфедерация эканлиги келтирилади. Лекин юқорида келтирилган олимларнинг ишларида Суғд тарихига нима учун конфедератив асосда қараш кераклиги масаласи очиқ қолган.

Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин тутган Суғд ўзининг географик жойлашуви, иқтисодий салоҳиятига таянган ҳолда турли даврларда уни бўйсундиришга ҳаракат қилган салтанатлар таркибида ўз ички мустақиллигини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб келган. Мазкур ҳолат Суғд маъмурий бирликларининг конфедерацияга бирлашишларида ҳал қилувчи омил бўлган. Натижада Суғдда конфедерациянинг ички хусусиятлари шаклланган. Буни Суғд ҳукмдорликларидаги мустақил танга зарби ва солиқ тизими³⁷, ҳар бир ҳукмдорликнинг ўз қўшинига эга бўлганлиги³⁸, конфедерация ҳукмдорларининг ягона хонадонга мансублиги³⁹, маъмурий бирликларнинг мустақил давлат бошқарувига эгаллиги⁴⁰, Суғднинг мустақил ташқи алоқалари⁴¹ каби мисоллар тасдиқлайди.

Иккинчи бобнинг «Суғд конфедерациясининг шаклланиши ва унинг омиллари» номли иккинчи бандида Суғдда конфедерациянинг вужудга келишига туртки бўлган омиллар тадқиқ этилган. Мил. ав. II асрдан бошлаб Суғд Юнон-Бақтрия давлатидан ажралиб чиққач, конфедерациялашув жара-

³³ Henning W.B. Sogdica. – London: James G. Forlang Fund, 1940. – vol. XXI. – P. 8-11.

³⁴ Гафуров Б. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга 1. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 314-319.

³⁵ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и права. – Ташкент: Адолат, 2000. – С. 56.

³⁶ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 387; Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-қисм. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 66-67; Кобзева О.П. Роль Великого шелкового пути в формировании этнического разнообразия Зарафшанской долины / Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тугган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Самарканд: Фан, 2007. – С. 164-165.

³⁷ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. – М.: Наука, 1981. – С. 35-43, 306-308, 393-398; Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1983. – С. 269-273.

³⁸ Beckwith C. I. Aspects of the Early History of the Central Asian Guard corpus of Islam // АЕМА. – Wiesbaden, 1984. – Том IV. – P. 36-38; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 48.

³⁹ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.-Л.: Изд. АН СССР. – Том II. – 1950. – С. 271-276, 280-281.

⁴⁰ Отахўжаев А. Илк ўрта аср Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 67; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 23-38.

⁴¹ Лившиц В.А. История изучение Согда / Рахмат-наме. Сборник статей к 70-летию Рахмата Рахимовича Рахимова. – СПб: 2008. – С. 198.

ёни бошланганлиги эҳтимоли юқори⁴². Эрамизнинг бошларига келиб, олд томонида «хукмдор» ва орқа томонида «камончи» тасвири туширилган Суғднинг суғдий ёзувдаги кумуш тангалари зарб қилингани нумизматик материаллар таҳлилидан маълум⁴³. Бу ҳолат тахт учун курашлар оқибатида Юнон-Бақтриянинг Суғд устидан назорат вазифаси йўққа чиққанлиги ва бундан фойдаланган Суғднинг Бақтрияга тобеликдан сепаратив (ажралиб чиқишга интилиш) ҳаракати сабабли юзага келган.

Суғд конфедерациясининг шаклланишидаги муҳим давр бу Қанғ даври (мил. ав. III – милодий IV аср ўрталари) ҳисобланади. Юнон-Бақтрия давлати таназзулга юз тутиб, унинг ўрнига Кушонлар империяси ташкил топган. Кушонлар давлати билан қарийб бир вақтда Қанғ давлати ҳукм сурган бўлиб, Суғд конфедерацияси ушбу давлат таркибида бўлган.

Суғд конфедерацияси Қанғ давлати таркибида ривожланди ва субъектлар яхлитлашди. Соҳа мутахассислари Суғднинг ҳар бир ҳукмдорлигини яхлит маъмурий бирлик сифатида қайд этишади⁴⁴. Бунга, албатта, биринчи навбатда, таъсир кўрсатган омил Суғд конфедерациясининг ўз нисбий мухториятини сақлаш мақсадида ҳукмрон давлат хазинасига катта миқдорда фойда келтириши бўлган. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Қанғ давлати ҳукмронлигининг сўнгида (милодий IV асрлар ўрталари) Самарқанд, Маймурғ, Кушония, Иштихон, Кабудон, Кеш, Нахшаб каби ҳар бири алоҳида ҳукмдорлик ҳолатидаги сиёсий уюшмалардан иборат Суғд конфедерациясидан, бир неча кичик ҳукмдорликни ўз ичига олган Бухоро воҳаси алоҳида бошқарувга эга бўлиб олади. Бухоро ҳукмдорларининг мустақил танга зарби ҳам айни шу даврга тўғри келиши унинг алоҳида маъмурий бирлик сифатида мустақиллашувини янада ойдинлаштиради⁴⁵.

Хитойшунос А.Хўжаевнинг таъкидлашича, Қанғ (*Канцзюй*) давлати таназзулга юз тутгач, Кан (*Kang-guo*) давлати вужудга келган. Унга кўра, Самарқанд (*Kang-guo*) марказли конфедерациянинг вужудга келиши V асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Ушбу сана келтирилган манбада Самарқанд ҳукмдори хонадон сулоласининг номи (фамилияси) *Вэнь*, исми *Шифуби* деб қайд қилинган. Мазкур ҳукмдорнинг аждодлари мил. авв. II асрда Тангри-тоғнинг шарқий қисми ва Помир орқали Самарқандга келиб ўрнашганлар⁴⁶. А.Отахўжаев ҳам Суғд конфедератив давлат тузилмаси Қанғ давлати парчалангач шаклланган деб келтиради⁴⁷. Аммо Суғд конфедерацияси Қанғ ичида ҳам конфедератив асосда мавжуд бўлган⁴⁸. К. Шониёзов Суғд ерларининг Кан (Самарқанд) атрофида бирлашуви Қанғгача бўлганлигига ишора

⁴² Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1983. – С. 269-273.

⁴³ Эрназарова Т., Кочнев Б. Тангалар ўтмиш даракчилари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 9.

⁴⁴ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 50-63.

⁴⁵ Лившиц В.А., Луконин В. Среднеперсидская и согдийская надписи на серебряных сосудах // ВДИ. – 1964. – №3. – С. 169-170.

⁴⁶ Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде // Цивилизация и культура Центральной Азии в единстве и многообразии. 2009 г. 7-8 сентябр. – Самарқанд: 2009. – С. 142-144.

⁴⁷ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 65, 67.

⁴⁸ Юй Т. Сведения о ранней Согдиане в официальных историях HAN, WEI, JIN Южной и Северной династии // Согдийский сборник. Выпуск 4. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Ред. Ш. Камалиддин. – Lambert Academic Publishing: LAP, 2017. – С. 41.

беради. Яъни, Қанғ Суғдни ўз таркибига киритган вақтда у конфедератив асосдаги бошқарувга эга бўлган⁴⁹.

Қанғ давлати таназулга юз тутгандан кейин Суғд конфедерацияси вужудга келмаган, балки аввал Қанғ таркибидаги мазкур иттифоқ ўз фаолиятини қанғсиз давом эттирган. Аслида имконият бўлганида эди Қанғ давлати тобеълигидан қутулган, ўз қўшниларига нисбатан анча қудратли бўлган Суғд (Самарқанд) ихшидлари марказлашган, якка ҳокимлик тизимидаги мумтоз давлатчиликка эҳтимол асос солган бўлардилар.

Суғд Қанғ давлати инқирозидан кейин бир муддат милодий 437 йилдан хионийлар давлати тасарруфида бўлган⁵⁰. Хионийлар даврида Суғдда конфедерациялашув ва унинг хусусиятлари борасида манбаларда маълумот келтирилмаган. Бу даврда суғдийларнинг мустақил ташқи савдо алоқалари Шатиал битиклари орқали ойдинлашади⁵¹.

Милодий 480-йиллардан Суғд Эфталийлар давлати таркибида бўлган. Ушбу давр оралиғида Суғд конфедерациясида шаҳарлар тараққиёти кўзга ташланади. Жумладан, Самарқанд шаҳри деворининг қайта таъмирланиши, Пойкент шаҳрининг кенгайиб 21 га майдонга эга бўлиши, Варахша шаҳрининг кенгайиши, Ромитан, Панжикент⁵², Иштихон шаҳарларининг ривожланиши Суғд конфедерациясининг тараққиётида муҳим омил бўлди⁵³.

Мазкур даврда конфедерациянинг Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликларида шаҳарлашиш жадаллашган. Хитой йилномаларида *Нашебо* деб тилга олинган Нахшабнинг жанубий вилоятлари тахминан милодий I-IV асрларда кушонлар давлати таъсирида бўлган⁵⁴. Жумладан, Қашқадарё ҳудудидан топилган тангалардаги *kwš[’n]* жумласининг «кушоний» ёки «кушонга оид» деб талқин қилиниши Жанубий Суғдда сўнгги Кушон ҳукмдорларига тақлид қилинган ҳолда танга зарб қилинганлиги кўрсатади⁵⁵. Лекин Нахшабнинг кушонлар ҳукмронлиги остидаги ҳолати узоққа бормаган. Эфталийлар давридан бошлаб Кешнинг кучайиши натижасида VI асрнинг охирларидан Нахшабни ўз таркибига киритган⁵⁶. Шунинг учун ҳам «Тан шу» йилномасида Нахшаб *Ши* (Кеш) таркибидаги «Кичик *Ши*» деб аталган⁵⁷. Нахшабнинг кучайиши сўнгги Эфталийлар ва Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Мазкур ҳукмдорликнинг ҳар иккала салтанат учун муҳим эканлиги Нахшаб учун бўлган жанглardan маълум⁵⁸. Археологик тадқиқотларга кўра, бу даврда Нахшабнинг бошқарув маркази Ерқўрғонга кўчиб шаҳар 150 га майдонга тенг бўлган. Сўнгра эса Қалъаи Заҳоки-Морон (225 га) шаҳрининг мавқеи

⁴⁹ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 54

⁵⁰ Гафуров Б. Таджики. ... Кн. 1. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 247-248.

⁵¹ Humbach H. Die Soghdischen inschriftenfunde vom oberen Indus (Pakistan) // Allgemeine und vergleichende Archäologie – Beiträge. Bd 2. – München: 1980. – P. 201-228.

⁵² Сулейманов Р. Древний Нахшаб. ... – С. 69.

⁵³ Пугаченкова Г.А. Древности Мианкаля. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 162.

⁵⁴ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 58.

⁵⁵ Кабанов С.К. Нахшабские монеты V-VII вв. // ВДИ. 1961. – № 1 (75). – С. 136.

⁵⁶ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 58.

⁵⁷ Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-кисм. ... – Б. 44.

⁵⁸ История ат-Табари. ... – С. 225.

кўтарилади⁵⁹. Бир сўз билан айтганда милодий IV-VI асрларда Нахшабнинг тараккий этиши ва шаҳарсозликдаги равнақини кузатиш мумкин⁶⁰.

Нахшабни ўз таркибига олган бир муддат Суғд конфедерациясининг маркази бўлган ҳукмдорлик Кеш бўлиб, унинг марказлик мақоми йилномаларда келтирилгани каби VII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади⁶¹. Мазкур даврдан олдин Кешнинг конфедерация маркази бўлганлигини кўрсатувчи манбалар йўқ. К.Эноки «Хионийлар Суғд подшосини ўлдириб, унинг маркази Самарқандни эгаллаганлар» деб келтиради⁶². Хионийларнинг Суғдни эгаллаган даврини V асрнинг биринчи ярми деб оладиган бўлсак⁶³, бу даврда Самарқанднинг марказ сифатида тилга олинганлиги Кешнинг фақат VII асрнинг иккинчи ярмида кучайгани ва конфедерация марказлигига даъво қилганлиги маълум бўлади⁶⁴. Хуллас, Кеш ва Нахшабнинг ривожланиш даври Қанғ давлатининг сўнгги даври ва Эфталийлар даврига тўғри келади.

Турк хоқонлиги ва Сосонийлар давлати ўртасида қолган Эфталийлар давлати 563 ва 567 йиллардаги тўқнашувлардан сўнг инкирозга учради. 569 йилда эса Суғд конфедерацияси Турк хоқонлиги давлати таркибига қўшиб олинган⁶⁵.

Хоқонлик даврида Суғд ва хоқонлар ўртасида қариндошлик алоқалари ўрнатилиб, конфедерация нисбий мухторият кўринишда бошқарилган. Турк хоқонлиги даврида Суғд конфедерация сифатида мустақил танга зарбини давом эттириб, ташқи алоқалар, ҳокимият рамзларига эга бўлган. Суғднинг иқтисодий ривожланган минтақа сифатида хоқонликка тўлайдиган даромади унинг конфедератив асосда фаолият кўрсатишида муҳим омил ҳисобланган.

Хитой йилномаларидаги маълумотлар асосида Суғд конфедерацияси моҳияти хусусидаги тасаввурлар янада аниқлик касб этади. Хусусан, йилномаларда *Кан* (Самарқанд), *Ми* (Маймурғ) *Ши* (Кеш)дан савдогарлар Хитойга бориб, бу мамлакатдаги бир неча шаҳарларда ўз савдо колонияларини барпо этганликлари ҳақидаги қайдлар учрайди⁶⁶. Улардан маълум бўлишича, мазкур «Ху мамлакатлари», яъни, самарқандлик, маймурғлик ва кешлик савдогарлар ҳамкорликда фаолият юритиб, Хитойнинг бир неча шаҳарларида ўз савдо манзилларига эга эдилар⁶⁷. Улар конфедерация таркибидаги қайси ҳукмдорликдан келганлигига қараб ўз жамоаларини барпо этишган ва ўзлари мансуб ҳукмдорлик фуқароси билан қўшни бўлишни афзал билишган.

Хуллас, конфедерациянинг шакллана бошлаган даври милодий I асрларга тўғри келиб, Қанғ, Хионийлар ҳукмронлиги даврида Суғд конфедерациясининг ички хусусиятлари (танга зарби, сулолавий белгилар, маъмурий

⁵⁹ Сулейманов Р. Древний Нахшаб. ... – С. 4, 67-69.

⁶⁰ Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). – Ташкент: Фан, 1977. – С. 6-10.

⁶¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 315-316.

⁶² Enoki K. On the nationality of the Ephtalites // Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko. – 1959. – № 18. – P. 35-36.

⁶³ Юй Т. Сведения о ранней Согдиане в официальных историях HAN, WEI, JIN Южной и Северной династии. ... – С. 56.

⁶⁴ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 59.

⁶⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 269.

⁶⁶ Mori M. Soğdluların Orta Asya'daki Faaliyetleri. ТТК, Belleten, Ocak. – Ankara: 1983. – S. 341-345.

⁶⁷ Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – Б. 57-58.

бўлинишлар, марказ ва ҳудудлар ўртасидаги алоқалар ва ҳ.к.) шакллана борган. Суғд илк ўрта асрларда ҳам ер-мулкчилик ва ҳудудий жойлашув асосида ўз конфедератив сиёсий тузилишини сақлаб қолган. Бу ҳолат анъанавий хусусиятга эга бўлиб, уни эътиборга олган Қанғ, Эфталийлар ва Турк ҳоконлиги ишончли даромад манбаи сифатида Суғднинг нисбий ички мухториятини сақлаган ҳолда бошқаришни мақсадга мувофиқ деб қарашган.

Конфедерация – давлатларнинг федерацияга бирлашиш сари тутган йўлидаги оралиқ бўғин ҳисобланиб, бугунги кундаги “конфедерация” тушунчаси мутлақ мустақилликка асосланган ихтиёрий равишдаги манфаатлар бирлигини билдиради. Суғдда ҳам умумий қонуният юзасидан ушбу ҳолат мавжуд эди. Лекин зарур ҳолларда ҳукмдорликларнинг марказга жипслашиш ёки баъзида холироқ ҳаракат олиб бориш хусусиятлари ҳам мавжуд бўлган. Чунки тарихий-ҳудудий бирлик нуктаи-назаридан бу табиий ҳолдир. Шу жиҳатларига кўра, Суғддаги конфедератив бошқарув кўриниши бугунги конфедерациялардан қисман фарқ қилади. Конфедератив давлат тузилмасининг ички хусусиятларини намоиш этувчи мазкур ҳолатлар, уларни ўзида мужассамлаштирган Суғд тарихига конфедератив тузилма сифатида қараш кераклигини тақозо этади. Хуллас, Марказий Осиёдаги илк ўрта асрлар давлат уюшмалари (Суғд, Чоч, Фарғона, Бухоро, Уструшона, Тохаристон, Хоразм) орасида конфедерация ўлчамларига Суғд энг яқин ва тўлиқ жавоб беради.

Иккинчи бобнинг «**Суғд конфедерацияси таркибидаги ҳукмдорликлар: географик жойлашуви ва маъмурий-сиёсий бўлиниши**» номли учинчи бандида Суғд конфедерациясининг географик жойлашуви ва маъмурий тузулиши таҳлил қилинган. Аслида Самарқанд, Кеш, Нахшабдан иборат ҳудуд Суғд марказий бўғинини ташкил этган. Аммо манбаларда V-VIII асрларга оид Суғднинг географик ҳудудлари ҳақида баъзан бир-бирини истисно этувчи фикрлар етиб келган. Масалан, хитой роҳиби Сюань-цзан (629) «Суғд» тушунчасини жуда кенг ҳудудларга нисбатан қўллаган⁶⁸. Унинг маълумотларида Чу дарёси водийсидан то Қарши воҳасини Шеробод воҳасидан ажратиб турувчи тоғ довоидаги Темир дарвозагача «Суғд» деб аталган. Манбаларга кўра, ушбу ўринда гап Суғднинг сиёсий-географик чегаралари ҳақида эмас балки, суғдийлар тарқалган ҳудудлар ҳақида бормоқда.

Худди шунга ўхшаш маълумот милодий 729 йилда Ўрта Осиёда бўлган бошқа бир хитой сайёҳи Хой Чао томонидан келтирилган. У Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғини тил хусусиятларига қараб олти географик ҳудуд – Бухоро (*Ань*) воҳаси, Уструшона (*Цао*), Кеш (*Ши*), Чоч-Илоқ билан бирга (*Ши-ло*), Маймурғ (*Ми*) ва Самарқанд (*Кан*) деб келтиради. Бошқа бир йилномада Самарқандга бўйсинувчи ҳудудлар қаторига *Му* ва *Унахэ* (Чоржўй) ҳам киритилган⁶⁹. Лекин бу маълумот кўшимча далилларга муҳтож.

Араб манбаларида хитой йилномаларидан фарқли ўлароқ баъзи ҳукмдорликнинг ўз мулклари бўлганлиги ҳам келтирилган. Масалан, Суғд мар-

⁶⁸ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981. – С. 348.

⁶⁹ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 54.

кази Самарқанд ҳукмдорлигининг 12 та⁷⁰, Кешда 17 та⁷¹, Нахшабда 18 та мулк⁷² бўлганлиги манбалар таҳлили натижасида аниқланди.

Суғд ҳудудлари хусусида араб манбаларида келтирилган маълумотлар ҳам бир хил эмас⁷³. Баъзи манбаларда Суғд деб Ўрта Зарафшон (Самарқанд) воҳасигина тушунилади. Шарқда Панжикент, ғарбда Кармана Суғднинг чегаралари бўлган деб кўрсатилади⁷⁴. Панчдан шарқ ва шимоли-шарқ томондаги Суғдга тегишли мулклар четда қолдирилган⁷⁵.

Ал-Муқаддасий Жайҳоний маълумотлари асосида илк ўрта асрларда Суғдга Кеш ва Насаф ерлари кирган, деб кўрсатади. Лекин у кучли мавқеига қарамай, Самарқанд яқинидаги Иштихонни Суғддан ташқарида деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, хитой йилномаларига кўра, Иштихон (Цао) Суғднинг муҳим марказий туманларидан бўлиб, бу ҳудудда Кушония (Хэ) ҳам жойлашган. Баъзи ҳолларда Кушония ва Иштихонга бир ҳудуд сифатида қаралади⁷⁶.

Хуллас, араб манбаларида ҳам Муғ тоғи суғдий ҳужжатларига нисбатан Суғд географияси ва маъмурий бўлиниши хусусидаги маълумотлар ноаниқ⁷⁷. Карманадан ғарбга томон Бухоро Суғдини «Катта Суғд»га қўшмай қараган манбалар ҳам бор. Баъзи муаллифлар Суғд деб Зарафшон дарёсининг юқори оқимидан то қуйи оқимигача барча ерларни, жумладан, бу ҳудудга Бухоро воҳасини ҳам киритишлари билан биргаликда Кеш, Нахшаб воҳаларини Суғддан айириб қараган ҳоллар ҳам учрайди.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Суғднинг маъмурий бўлиниши кўпроқ унинг сиёсий мустақиллашуви ва автономия ҳолати билан боғлиқ бўлган. Бундан ташқари, Суғднинг тарихий-маъмурий бўлинишида табиий омиллар етакчилик қилган бўлиб, конфедерация ўз ҳолатига кела бошлаган сари ҳукмдорликнинг чегаралари маълум бўла борган. Бунда асосан тепаликлар, тоғлар, дарё ва унинг ирмоқлари ёки каналлар чегара вазифасини ўтаган.

«Суғдда конфедератив бошқарув тизими ва унинг Турк хоқонлигидан нисбий мухторияти» деб номланган диссертациянинг учинчи бо-

⁷⁰ Улар: Бунжикат, Варағсар, Маймурғ, Санжарфағн, Дарғом, Абғар ва шимолга қараб Ёркет, Бурнамуд, Бузмаджон, Кабудонжакет, Ведар, Марзбон (Қаранг: *Бартольд В.В.* Географический очерк Мавераннахра / Соч. – М.: Наука, 1963. – Т. I. – С. 144).

⁷¹ Арған (ارغان), Ару (ارو), Баландарин (بالندرين), Бузмажан (بزمجان), Кашк (كشك), Маймурғ (مايمورغ), Кашкруд (كشكرود), Ички Сангарда(к) (سنكرده الداخلى), Ташки Сангарда(к) (سنكرده الخارجى), Мийон Киш (ميان كش), Расмаин (رسماین), Руд (رود), Сийам (سيام), Сурруда (سوروده), Жажруд (جاجرود), Хузар (خزار), Хузарруд (خزارود) (Қаранг: *Камалиддинов Ш.С.* Историческая география Южного Согда и Тохаристана. ... – С. 23-24).

⁷² Касби – كسبة, Базда – بзде, Косон – كاسن (Косонтена), Ғубдин – غوبدين, Батхудон – بتخدین, Сиракас – سيركث, Маймурғ – مايمورغ (Майманактепа), Фийжакас – فيجكث, Ширикас – ثيركث, Сакабадяз – ساكبادياز, Афуран – آفران, Каджар – كاجر, Баштан – بشتان, Бадйана – بديانة, Наукад – نوكد, Кармужин – كرمجين, Варазан – ورازان, Ванакат – وناكت (Қаранг: *Камалиддинов Ш.С.* Историческая география Южного Согда и Тохаристана. ... – С. 56-70).

⁷³ *Бартольд В.В.* Энциклопедия ислама / Соч. – М.: Наука, 1965. – Т. III. – С. 487-489.

⁷⁴ *Смирнова О.И.* Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана. ... – С. 56-80.

⁷⁵ Улар Абатмаут – *βim'wt*, Пахут – *p'γwt* ва Ахсиканд – *γsykndh (γsykndh)*, Анзоб – *'nz'βh*, Исфисар – *'spysr*, Евшишт – *'uwšysth*, Азғанак – *'zynkh*, Заравадк – *'zr'wδkh (zr'wδkh)*, Банпар – *β'nprh*, Варз – *βrz, βtmyβh* – Фатмев, Вурзвадк – *βwrzw'δk*, Вишак – *βyšk*, Крут – *krwt*, К(у)штут – *kwštwt / (')kštwt*, Мадм – *mδmh*, Мартиш / Мартушкат – *mrtš, mrtškt*, Партан – *p'rtn*, Пахуд – *pδγwt*, Фармитан / Фарнмитан – *pr'myδn / prmyδn*, Вардакат – *wrδ'kty*, Зраваб / Зрунб – *zr'w'p / zrnw'p* кишлоқларидир (Қаранг: *Смирнова О.И.* Карта верховой Зарафшана по мугским документам // Страны и народы Востока. – 1971. – №2. – С. 13).

⁷⁶ МИТТ. – Л.: 1939. – Т. I. – С. 184-209.

⁷⁷ *Hudud al-Alam. The regions of the world, a Persian geography / Translated and explained by V. Minorsky.* – London: 1970. – P. 114.

бида конфедерация бошқарув тизими таҳлил қилинган. Бобнинг биринчи банди «**Суғд конфедерацияси бошқарувчи сулоласининг келиб чиқиши масаласи**» деб номланган.

Хитой йилномаларида келтирилган маълумотлар суғдий ҳукмдорлар шажарасини аниқлашда ёрдам беради. Хусусан, «Тан шу» йилномасида *Кан* (Самарқанд) ҳукмдорларининг келиб чиқиши «Чжаову» хонадонига бориб тақалиши қайд этилган⁷⁸. Шунингдек, *Кан* (Самарқанд)даги сулола тўққизта хонадондан бири эканлиги, улар орасида унинг марказий мавқега эга эканлиги таъкидланиб, бунга алоҳида урғу берилади. Йилномаларда *Хэ* (Кушония) ва *Ми* (Маймурғ) ҳукмдорларининг келиб чиқиши *Чжаову* сулоласидан эканлиги ва уларнинг насли *Кан* (Самарқанд) хонадонига бориб тақалиши ҳақидаги далиллар ҳам ушбу маълумотларга мос тушади⁷⁹. Бу эса Чжаовулар дастлаб Самарқандга келиб ўз сулоласини ташкил қилгани ва бу ер марказга айлантирилиб, ушбу ҳудуд билан боғлиқ ҳолда мазкур ҳукмдорликларнинг ҳар бирида алоҳида сулола барпо этилганлигини кўрсатади.

Бу масалада Афросиёб деворий суратларидаги маълумотлар ҳам қимматли. Уларда ҳукмдор Вархуман уруғининг номи *'wnš / unaš* – «Унаш» деб қайд этилган⁸⁰. В.А.Лившиц ушбу жумлани «Унаш уруғига мансуб хонадон вакили подшо Вархуман» талқин этиб⁸¹, унинг ўхшаши йилномаларда *Кан* (Самарқанд) ҳукмдорлари хонадони номи сифатида «Вин-шу» («*Wen-pasha*»⁸²) тарзида учрашини қайд этган. Бироқ, айрим тадқиқотчилар бу фикрни рад этадилар⁸³ ва «Вин-шу» сўзини туркий асосда талқин этадилар. Ғарбий Турк хоқонлигининг номи туркий битиктошларда *On^oq* - «Ўн Ўқ / қабила», хитой йилномаларида эса «Ўн аймақ / қабила» тариқасида учрашини бунга асос қилиб кўрсатадилар. Бу эса Самарқанд ҳукмдори Авархуманнинг (650-йиллар) келиб чиқиши Ғарбий Турк хоқонлигига, Ўн Ўқларга мансуб бўлган, деган фикрга келишга имкон беради. Яъни, йилномаларда Самарқанд ҳукмдорлари уруғи деб тилга олинган «Вин шу» сўзи *'wnš 'w* – «Унашу» тарзида эмас балки *'wnu 'w* ёки *'wnu 'w* тарзида ўқилади⁸⁴. Бу эса мазкур иборани «Ўн Ўқ» деб талқин қилиш тўғри эканлигини кўрсатади.

Хуллас, VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Самарқанддаги сулола ғарбий туркларнинг «Ўн ўқ» иттифоқи билан боғлиқ бўлса, унгача бўлган конфедерация ҳукмдорлари шажараси йилномаларда келтирилган чжаовулар ёки маҳаллий *Кан* хонадони вакиллари бўлган суғдийлар билан алоқадор.

⁷⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 310.

⁷⁹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 274-275, 286-287.

⁸⁰ Лившиц В.А. Надписи на фресках из Афрасиаба // Тезисы докладов сессии, посвященной истории живописи стран Азии. – Л.: 1965. – С. 13-17.

⁸¹ Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки) // Народы Азии и Африки. – М.: 1979. – № 4. – С. 69.

⁸² Юй Т. Эфталиты и Согдиана // Согдийский сборник. Выпуск 4. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согды в Узбекистане / Ред. Ш. Камалиддин. – Lambert Academic Publishing: 2017. – С. 31.

⁸³ Бабаяров Г., Кубатин А.В. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба // Самарқанд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – С. 216-220.

⁸⁴ Бабаяров Г., Кубатин А.В. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба. ... – С. 218-220.

«Суғд конфедерациясининг бошқарув тизими: марказий ва маҳаллий унвонлар» деб номланган учинчи бобнинг иккинчи бандида Суғдда бошқарув тўғрисида маълумотлар берилади.

Маълумки, Суғд ўтроқ ҳаёт тарзи ҳукм сурган ўлкалардан бўлиб, унда ҳаётий ресурслардан тўғри фойдаланиш ва ер-сув эгаллиги мулкчилигининг ривожланиши натижасида сиёсий-худудий ва маъмурий тизим шаклланган. Марказ ва худудий бирликлар ўртасидаги бошқарувчи ҳокимият органлари вужудга кела бошлади⁸⁵.

Марказий ҳокимият ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги муносабатлар йирик заминдорлар, бой савдогарлар ва шаҳарлик аслзодалар томонидан тузилган «Оқсоқоллар кенгаши» орқали бошқарилган. «Ихшид» унвонли ҳукмдорлар «Оқсоқоллар кенгаши» фикрига таянган ҳолда чекланган ҳокимиятга эга бўлишган⁸⁶. «Ихшид»лардан кейин бошқарув поғонасида йирик ер эгалари – «озодлар» («озодкор») турганлиги⁸⁷ суғдий ҳужжатлардан маълум.

Ихшид – *xšayatiya* подшо, оромийча идеограммада *MLK'* деб аталувчи амалдор бўлган. «Ихшид» марказий унвон ҳисобланиб⁸⁸, ундан кейин турган лавозимлардан яна бири *γwt'w* – *хутав* бўлган⁸⁹. *pr'm'nd'r'wtt* – *фармондор Ават* – Муғ тоғи ҳужжатларининг бир нечасида учрайдиган юқори мартабали амалдорларидан бири сифатида ҳукмдор саройидаги хўжалик ишларига жавобгар ҳисобланган. *'w'zypt* – *аавазипат*, суғориш билан боғлиқ барча ишларнинг (ариқ тозалаш, ҳашар...) бошқарувчиси бўлган. *γwpt* – *гупат*, молия ишларини бошқарган олий унвонлардан бири. *β'zkr'm* – *бозкром*, «божхона бошлиғи» ёки «тўловлар (йиғимлар) тўпловчи» маъноларини англатган. *n'ztyryw* – *назтэриу*, А-14, А-15 ҳужжатларида «ҳукмдор ёрдамчиси», «ёрдамчи» жумласини ифodalаш учун ишлатилган маҳаллий унвон. *δp'yrpt* – *данурпат*, Б-17 ҳужжатида учрайдиган бу ибора суғдийчадан таржима қилинганда «бош котиб, девонхона бошлиғи» деган маънони англатади. *prw'nk'kr'k* – *парвонак крак*, А-5 ҳужжатидаги бу унвон, «ҳужжат тўпловчи» маъносини англатган. Лекин бу шунчаки ҳужжат тузувчи лавозими эмас, балки, котибият ва маҳкама ишларини ҳам бажарган. Б-18 ҳужжатидан маълум бўлишича, *'rspn* – «арспан» унвони соҳиби қишлоқлар устидан назорат юритувчи шахс бўлиб, *ky'βš'γws* – *катиябшауз* қишлоқ оқсоқоллари уларга ҳисобот берган. «Арспан» – марказ ва чекка худудлар ўртасидаги алоқаларни юритувчи амалдор бўлган. *'γwyrpt* – *аавхирпат*, «отхона бошлиғи» маъносини англатади⁹⁰. Шунингдек, суғдий ҳужжатлар тахлилидан маълум бўладики, Суғд конфедерацияси бошқарувига мансуб *'wrnyk'm* – «урникам» («мансабдор», «амалдор»)⁹¹, *'zynt* ёки *'zy'nt* – «азғант» («элчи», «чопар»), *βγnpt* – *вағнпат* (ибодатхона оловини сақловчи), *γwγpt* –

⁸⁵ *ky'βš'γws* – *катиябшауз*, «қишлоқ оқсоқоли» маъносини англатадиган унвон эгаси марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги алоқаларни олиб боришга маъсул бўлган (Қаранг: СДГМ II. – С. 177).

⁸⁶ *Отахўжаев А.* Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизацияси турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 67.

⁸⁷ *Смирнова О.И.* Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 23-38.

⁸⁸ *Беруний Абу Райҳон.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. ... – Б. 129.

⁸⁹ *Исҳоқов М.* Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 20.

⁹⁰ *Лившиц В.А.* Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. – С. 149.

⁹¹ *Исҳоқов М.* Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 24.

мағупат, бош диний раҳбар⁹² маъноларини берувчи марказий ва маҳаллий унвонлар ҳам бўлган.

Шу ўринда Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликларининг бош унвони ҳақида келтириб ўтиш лозим. VII – VIII асрларда Кешда зарб қилинган тангаларнинг бир қанча типиди *kšy'n'k xwβ 'xwrp't* – «Кеш ҳукмдори Ахурпат» жумласи учраса⁹³, хитой йилномаларида 727 йилда Хитойга элчи юборган *Шу* (Кеш) ҳукмдори *Хубидо* (*суғд.* Ахурпат) исми қайд этилади⁹⁴. «Ахвирпат» унвони маҳаллий ва марказий маъмурият доирасида бир хилда амал қилган.

Араб манбаларида 730-йилларда Насаф бошқарувчиси – испаҳбоди сифатида ал-Ашканднинг исми тилга олинган. Ал-Ашканд 734 – 737 йилларда Насафни бошқарган⁹⁵. Ат-Табарий маълумотларига кўра, Ал-Ашканд Турк хоқонининг содиқ кишиларидан бўлиб, у Насаф «испаҳбод»и бўлган.

Суғд конфедерацияси бошқарувида қўлланилган унвонлар таҳлили шуни кўрсатадики, бошқарувдаги лавозим ва мансаб номлари асосан маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда шаклланган, улар воҳанинг табиий-географик жойлашуви, хўжалик ҳаёти ва маданий-мафкуравий қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, Суғддаги унвонлар орасида кўчманчилик эмас, кўпроқ ўтроқлик муҳитига мос унвонлар устунлик қилган. Жумладан, *аавазипат* – ховузлар бошқарувчиси, *пардезбон* – саройга қарашли боғлар, хиёбонлар устидан назоратчи, *ғупат* – молия ишлари бошқарувчиси кабилар бунга далил бўла олади.

Учинчи бобнинг учинчи банди «**Турк хоқонлиги бошқарувидаги Суғд конфедерациясининг нисбий мухторияти (конфедерация тараққиёти)**» деб номланган.

Суғднинг нисбий мустақиллигини кўрсатувчи аломатлар орасида биринчи навбатда танга-пуллар туради. Суғд конфедерацияси ҳам милонинг бошлариданоқ суғдий ёзувдаги ўз танга пулларини зарб қилдиришга эришгани⁹⁶ унинг ўз ички бошқарувида маълум маънода мустақил бўлганидан дарақ беради. Бу эса Суғд конфедерациясининг марказий ҳокимияти сиёсий жиҳатдан ҳукмрон давлатга қарам бўлса-да, иқтисодий масалаларда мустақил ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Ушбу иқтисодий эркинлик Турк хоқонлиги солиқ тизимини таъминлаш учун муҳим ҳисобланган.

Бундан ташқари, Суғд маркази Самарқанд ҳукмдорлари кўрагонлик ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда сиёсат юритганликлари ҳам маълум⁹⁷. Жумладан, Тарду хоқон (576 – 603) ўз қизини Шифуби исмли, Тун ябғу-хоқон (618 – 630) эса Кюймучжи исмли Самарқанд ҳукмдорига турмушга берган⁹⁸.

Суғд конфедерацияси нисбий автономиясига алоқадор яна бир масала шуки, ўтроқ воҳалардан фарқли ўлароқ, тобе кўчманчи кабилалар ўзининг

⁹² СДГМ II. – С. 171, 182, 196.

⁹³ *Смирнова О.И.* Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 426.

⁹⁴ Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 93.

⁹⁵ История ат-Табари. ... – С. 225.

⁹⁶ *Смирнова О.И.* Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 5-15.

⁹⁷ *Бабаяров Г.* Государственный строй Западно-Тюркского каганата: автореферат доктора истор. наук. – Тошкент: 2012. – С. 42.

⁹⁸ *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений. ... II. – С. 311.

ички бошқарувини сақлаб қолиши доимий равишда жиддий муаммо эди. Шунинг учун ҳам Эфталийлар ва Турк хоқонлиги ҳукмронликлари даврида Суғднинг ички мустақиллигига унчалик ҳам эътибор қилмай⁹⁹, асосий эътибор салтанат таркибидаги кўчманчи халқларни бўйсундиришга қаратилган¹⁰⁰.

Хуллас, Суғд конфедерацияси узоқ вақт давомида Юнон-Бактрия, Қанғ, Хионийлар, Эфталий, Турк хоқонлиги давлатлари тасарруфида бўлиб, иқтисодий мухторият кўриниши орқали сиёсий мустақиллигини ҳам сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Унинг бу ҳаракатлари Юнон-Бактрия подшолари давридан бошлаб суғдий ёзувда тангалар зарб қилганлиги, араблар босқини арафасида умумий душманга қарши мустақил ташқи сиёсат олиб борганлиги ва юқорида таъкидланганидек, қариндошлик имтиёзлари асосида намоён бўлади.

Мазкур бобнинг «**Суғд конфедерацияси бошқарув тизимида туркий унвонларнинг ўрни**» сарлавҳали тўртинчи бандида Суғддаги туркий унвонлар таҳлил қилинган.

Ғарбий турк хоқонлиги Суғд конфедерацияси устидан назорат ўрнатган даврда (569 – 722) маҳаллий сулола ҳукмдорларига туркий «элтабар» ва «тудун» унвонини бериш орқали ўз вассалларини бошқарган. Хусусан, Муғтоғи суғдий ҳужжатларидан Б-13да *дутпуыр*, Б-15 ва А-15 ҳужжатларида *рутпуыр* шаклларида учраб, улар мазмунидан «элтабар» унвони Суғднинг юқори мартабали амалдорларидан бири бўлганлиги маълум бўлади¹⁰¹.

Хитой йилномаларида Ғарбий турк ҳукмдори Тун ябғу-хоқон (618 – 630) ўз вассалларига *силифа* (элтабар) унвонини бергани ва уларнинг назоратига бир нафардан *тутунь* (тудун) жўнатгани қайд этилган¹⁰². Лекин ушбу унвонларнинг вужудга келган дастлабки даврлардан бошлаб Суғд бошқарувида қўллангани борасида қарама-қарши фикрлар мавжуд¹⁰³. Суғд конфедерацияси бошқарувига “тудун” унвонининг 560- йиллардан татбиқ этилганлигига оид манба аниқланмаган. Бундан ташқари, манбалар таҳлилининг кўрсатишича, хоқонлик Суғд конфедерацияси бошқарувида «элтабар», «тудун», «чўр», «тархон» каби туркий унвонларни қўллаш билан биргаликда, маҳаллий «ихшид», «афшин», «испахбод» каби унвонларни ҳам сақлаб қолган.

Аксинча, келиб чиқиши суғдий бўлган, куёв сифатида Панч ҳокимиятини «чўр» унвонли туркий сулола вакилларида қабул қилган Деваштич «афшин» унвонидан фойдаланиш билан бирга, араб манбаларидан маълум бўлишича¹⁰⁴, *шур* (чўр) унвонини қўллашда ҳам давом этган.

«Чўр» ҳарбий унвони билан қарийб бир вақтда конфедерация бошқарувида кенг тарқалган «тархон» унвони маъмурий, ҳам ҳарбий унвон бўлган.

⁹⁹ Stark S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasien – und Zentralasien // Grenzüberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum. – Stuttgart: 2002. – P. 389.

¹⁰⁰ Grenet F. Regional interaction in Central Asia and North west India in the Kidarite and Hephthalite period // Proceedings of the British Academy CXVI. – London: 2002. – P. 209-214.

¹⁰¹ Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата. – С. 7.

¹⁰² Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... I. – С. 283.

¹⁰³ Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // Turks, 2. – Ankara: 2002. – P. 366; Togan Z.V. Umumî Türk tarihi'ne giriş. Cilt I. / En eski devirlerden 16. asra kadar. 3 Baskı. – İstanbul: Enderun Kitabevi. Aksiseda matbaası, 1981. – S. 178-179.

¹⁰⁴ Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки). ... – С. 66-67.

Муғ архивининг А-13 ҳужжатида «Панжикент божкироми ва халқидан тархонга» хабар юборилгани ҳақида маълумот бунга ойдинлик киритади¹⁰⁵.

Суғд конфедерацияси бошқарувида «тудун», «элтабар», «чўр», «эркин», «тархон» унвонидаги амалдорлар давлат бошқарувининг асосий вазифаларини бажарганлар. «Тархон» унвонининг эса бажарган вазифаси ушбу унвоннинг «чўр» ва «эркин» унвонлари билан мавқеи тенг ёки нисбатан фарқли бўлган, деган фикрга бориш мумкин¹⁰⁶. Боиси, «чўр» ва «эркин» ҳарбий унвонлари конфедерация бошқарувида асосий бошқарувчининг эмас, нисбатан кичик ҳукмдорлик (ҳоқимлик)ни бошқарган амалдорнинг унвони сифатида учраши бу фикрга асос беради. Бу эса ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг Суғд конфедерацияси даврида туркий унвонларнинг жамият бошқарувида салмоқли ўринга эга эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Суғд конфедерацияси таркибидаги ҳукмдорликларнинг мақоми ва конфедерация таназзули**» деб номланган бўлиб, бобнинг «**Суғд конфедерацияси таркибидаги ҳукмдорликларнинг мақоми**» номли биринчи бандида Суғд ҳукмдорликларининг конфедерация таркибидаги ўрни очиқ берилган. Хусусан, Самарқанд Суғднинг маркази бўлиб, конфедерация ҳаётида етакчи ўринга эга бўлган. Бу ердаги ибодатхонада Ху (суғдий) низоми сақланган бўлиб, давлат бошқарув ишлари ва ҳуқуқий масалаларда ана шу низомга таянилган¹⁰⁷. Самарқанддаги «Қонунлар уйи»да йилнинг белгиланган кунида конфедерация ҳукмдорлари йиғилиб, қурбонлик ўтказишган ва бу маросим иттифоқ аъзолигининг асосий шартларидан бири бўлган.

Хитой йилномаларига кўра, VI асрнинг сўнгги чорагидан VII асрнинг учинчи чорагигача Самарқандни Шифуби (Тайшеби, VI асрнинг сўнгги чораги), Кюймучжи (600 – 620), Тўнга (642) сингари ҳукмдорлар бошқарганликлари маълум бўлади. Сўнгра конфедерация тахтини *šyšpur* (ёки *šēšpēr*) – Шишпир (650 – 655), *βrxwm'n* (ёки *'βrxwm'n*) – Вархуман (655 – 675), *wrk wrtr'mk* – Урк Вартрамук (675 – 695), *twk'sp'δ'k* (хитойча талаффузи *Дусаботи*) – Тукаспадак (695-698), *m'stc 'wnc* – Мастич-Унаш (?) Ўн-ўк (698 – 700), *trywn* – Тархун (700-710), *'wyrk* – Ғурак (710 – 738), *twry'r* – Турғар (738 – 759) каби ихшидлар бошқарганлар¹⁰⁸. Бироқ, VI аср ўрталаридан VII асрнинг 40-йилларигача ҳукмронлик Самарқандда ҳукмронлик қилган шахслар исми ёзма манбаларда ёки тангаларда ҳозиргача учрамаган.

Тадқиқот натижаларидан VII асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда сулола алмашинуви рўй берганлиги аён бўлади. 650-йилларда Фухуман (суғд. *'βrywm'n* – Авархуман) исмли лашкарбошининг ҳоқимиятни эгаллаши бу ерда туркий сулоланинг бошқарув тепасига келишига замин яратди. Бу воқеалар ҳам нумизматик материалларда акс этган бўлиб, мазкур ҳолат

¹⁰⁵ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 26-28.

¹⁰⁶ Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата. ... – С. 35.

¹⁰⁷ СДГМ II. – С. 38.

¹⁰⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 311; Лившиц В.А. История изучение Согда. ... – С. 198.

Самарқанднинг анъанавий «сиртмоқ» шаклидаги (𐰉) тамғаси билан биргалликда унинг ўрнига бошқача тамғалар ўрин олганида ҳам кўзга ташланади¹⁰⁹.

VII аср охири – VIII аср бошларига тааллуқли, 𐰉 шаклли тамға ва туркий қиёфали икки шахс «хукмдор» ҳамда «малика» тасвирли тангаларда *x'ttwn* – хотун, “малика” унвонли тангалар хоқонлик ва конфедерация ўртасидаги никоҳ ришталари туфайли зарб қилинган¹¹⁰. Мазкур тангалардан кейинги Самарқанд тангаларида хукмдор тасвирлари ўрнини хитой тақлиди ўртаси тўртбурчак тешикли тангалар эгаллайди¹¹¹. Афтидан хоқонликнинг вассаллар устидан назорати сусайган пайтда Самарқанд хукмдорлари ўз тангаларини Хитой таъсирида зарб қилишган.

Кеш Суғд конфедерациясининг бир муддат (650 – 655) маркази бўлган хукмдорлик ҳисобланиб, Хитой йилномаларида келтирилган: - «Кешда ҳар бир қурбонлик келтириш маросимида мингтагача қўй сўйиладиган ибодатхона борлиги»¹¹² тўғрисида маълумот Кешнинг марказ бўлганлиги бора-сидаги фикрни қувватлайди.

VII аср ўрталарида зарб қилинган баъзи Самарқанд тангаларида Кеш тангаларида учрайдиган *трискелес* шаклли 𐰉 тамға учрайди. Жумладан, Самарқанд тангаларида айна 𐰉 кўринишдаги тамғалар акс эттирилган¹¹³. Бу эса Кеш хукмдорлиги конфедерация таркибида бўлганлиги ҳамда марказий ҳокимиятнинг тамғаси билан танга зарб эттирилганлигини кўрсатади.

Тадқиқотчилар хитой йилномалари ҳамда араб ва форс манбаларидаги маълумотларга асосланиб¹¹⁴ Кешни Дичже (600 – 640), Шашеби (Шишпир; 650 – 655), Ши-Ахэ (655 йиллар), Век (720 йиллар), Хубидо (727), Йандун (730 – 738), Сыгинти (Ишканд; 738 – 741), Ихрид (751), Таран (752) каби хукмдорлар бошқарганлигини келтиришади. Аммо VI асрнинг охиригача Кешни бошқарган хукмдорлар исмлари бошқа манбаларда учрамайди.

751 йил Талос жангидаги Хитой кўшинларининг араблардан мағлубияти унинг Ғарбга интилишларига чек қўйди ва Кеш хукмдорлари айна шу йиллардан арабларнинг ноиблари томонидан тангалар зарб этишган¹¹⁵. Бу нафақат нумизматик материалларда балки ёзма манбаларда ўз аксини топган.

Суғд конфедерациясида бошқа хукмдорликлар қатори Нахшабнинг ҳам ўз ўрни ва улуши бўлиб, «Тан шу» йилномасига кўра, Нахшаб VI – VII-асрларда ярим мустақил мақомда бўлган ва *Ши* (Кеш) таркибидаги «Кичик Ши» деб аталган. Хитой манбаларида *Нашебо* (Нахшаб)га қуйидагича таъриф берилади: - «Нашебо бошқа номи *Сяо Ши*, чунки у *Шига* тобедир»¹¹⁶.

¹⁰⁹ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 92-93.

¹¹⁰ Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах Согда с титулом “Хатун” // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари. 5. 2-қисм. – Тошкент: ТДШИ, 2013. – Б. 95-108.

¹¹¹ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 311.

¹¹² Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 271-276; 280-287; 311-318.

¹¹³ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 37-38, 39.


¹¹⁴ Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Кеш // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 66.

¹¹⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 75.

¹¹⁶ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 271-276; 280-287; 311-318.

712 йилдаги Қутайба ибн Муслим ва Суғд ихшиди Ғурак ўртасидаги «Самарқанд шартномаси»га кўра¹¹⁷, Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликлари Самарқанд тасарруфида эканлиги тан олинган.

Нахшаб ҳукмдорлиги тангалари кам ўрганилган. Қашқадарё худудидан топилган тангалар орасида «шерни маҳв этаётган ҳукмдор» тасвири туширилган тангалар ушбу ҳукмдорлик тарихи билан боғлиқ¹¹⁸. Тангада айнан кимнинг тасвири акс эттирилганлиги маълум эмас. Агарда танга туркларнинг Эфталлийлар устидан ғалабага эришгунига қадар (563 – 567) зарб қилинган бўлса, у ҳолда тангадаги ҳукдор «эфталлий»¹¹⁹, акс ҳолда эса бу шахс хоқонликнинг Нахшабдаги вассалларидан бирининг тасвири бўлган¹²⁰.

Милодий VII – VIII- асрнинг бошларида зарб қилинган¹²¹ Нахшаб тангаларининг маълум қисмини ўнг юзасида «туркий қиёфали ҳукмдор» тасвири, тескарисида эса «от» тасвири ва унинг атрофида суғдий ёзув («қут соҳиби ҳукмдор») акс этган тангалар ташкил этади. Нахшаб тангаларининг бошқа гуруҳида эса бир томонида «от» тасвири ва ёзув (*βυυ γωβ* – «илоҳий ҳукмдор»), иккинчи томонида эса  шаклли тамға ва унинг устида ёзув ўрин олган. Мазкур ёзув *'šknδk – aškandak* шаклида ўқилади¹²². Араб манбаларида 730-йилларда Насаф испаҳбоди сифатида тилга олинган ал-Ашқанд (734 – 737)нинг¹²³ исми мазкур тангада акс этган.

Таъкидлаш жоизки, Турк хоқонлиги Суғдда ҳукмронлигини ўрнатгунига қадар минтақада ҳукмронлик қилган эфталлийлар маҳаллий ҳукмдорларга танга зарб қилиш ҳуқуқини берганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки, конфедерация ҳукмдорларининг қадимдан ўз тангаларини зарб эттирганликлари маълум. Бу эса Нахшаб ҳукмдорлигининг бир муддат Кеш таркибида бўлганлигини ва мазкур тангалар Кеш ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган деган тўхтамга келишга имкон беради.

Маймурғ конфедерация маркази Самарқандга энг яқин ҳукмдорлик бўлган. Хитой йилномаларига суянган ҳолда Маймурғ ва ундан шарқда жойлашган Панч бир муддат ягона ҳукмдорлик бўлганлиги тўғрисидаги қарашлар ҳам мавжуд¹²⁴. Панч ўз номидан танга зарбига эга бўлгани ҳолда, Маймурғда танга зарб қилинмаган. Бу ҳол Панч ва Маймурғнинг бир муддат ягона ҳукмдорлик бўлганлигини кўрсатади¹²⁵.

Маймурғ Самарқандга тобе бўлиб, уни ҳукмрон хонадон вакиллари ёки валиаҳдлар бошқаришган. Масалан, 720 – 740-йилларда Маймурғни бошқарган Мочжо (Баничўр) Суғд ихшиди Ғуракнинг кичик ўғли бўлган.

¹¹⁷ Kurat A.H. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizm ve Semerkend'I zebti (higri 93-94-miladi 712) / Ankara Universitesi Dil va Tarih – Gografiya dergisi. – 1948. Cilt VI. – № 4. – S. 387-430.

¹¹⁸ Кабанов С.К. Нахшабские монеты V-VII вв. // Вестник древней истории. 1961. – № 1 (75). – С. 137.

¹¹⁹ Allot de la Fuye. Monnaies incertaines de la Sogdiane et des contrées voisines. Revue Numismatique. – Paris: 1910. – С. 40.

¹²⁰ Кабанов С.К. Нахшабские монеты V-VII вв. ... – С. 134.

¹²¹ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 343-344.

¹²² Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 25.


¹²³ История ат-Табари. ... – С. 225.

¹²⁴ Vaissière de la É. Sogdian traders. ... – P. 120.

¹²⁵ Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах Согда с титулом “хатун”. ... – Б. 106-107.

Панч кучли сиёсий мавқега эга бўлган ҳукмдорлик ҳисобланиб, Деваштич ҳукмронлиги даврида Самарқанд тахтига даъво қилган¹²⁶.

VII – VIII асрларда Панчни бошқарган ҳукмдорлар номи суғдий ҳужжатларда ва тангаларда *č'm'wky'n* – Чамукйон (VII асрнинг биринчи ярми (?)), *sk'un cwr bylk''* – Чакин чўр Билга (693 – 708), *duw'styč* – Деваштич (708 – 722) шаклида учрайди¹²⁷. Панч тахтини аёл ҳукмдор ҳам бошқарганлиги маълум. Унинг номидан зарб этилган тангадаги суғдий жумла *pncu nndβ'tpnh* – «Панч маликаси Нандбанпану» шаклида талқин этилди. Бу танга Деваштич даврига тегишли бўлиб, унинг рафиқаси, яъни Тархуннинг қизи номидан зарб қилинган. Деваштич «Оқсоқоллар кенгаши» сайлаб қўйган ҳукмдор бўлиб, насаби подшолик хонадонидан эмас эди.

О.И.Смирнова Панч ҳукмдорлари орасидаги сулолавий боғлиқликни улар томонидан зарб қилинган тангалардаги тамға-белгиларга асосланган ҳолда изоҳлайди¹²⁸. Тангалардаги ушбу шаклли  сулолавий тамгалар ҳукмдорлар ўртасидаги наслий боғлиқликни ифодалаган.

Панч иқтисодий жиҳатдан марказ (Самарқанд)дан нисбий мустақил бўлган. Самарқанддан кейин хитойча квадрат шаклидаги танга зарб қилиш ҳуқуқи Панч ҳукмдорлигида бўлган. Панжикент харобасидан зарбхона ўрни ва минглаб тангаларнинг топилиши буни исботлайди.

Суғд конфедерациясидаги Иштихон ҳукмдорлиги ҳозирги шу номли туман ҳудудига тўғри келади¹²⁹. Манбаларда Иштихонда Самарқанд ҳукмдорларининг иккинчи қароргоҳи жойлашганлиги қайд этилган¹³⁰.

Хитой йилномаларида Иштихон *Цао* деб келтирилади. «Цао» сўзи «сув» белгиси қўйилмасдан ёзилган бўлиб, бу сўз «сувсизлик», «чўл» маъносини ифодалайди. Худди шундай Ғарбий Цао ҳам сув белгиси қўйилмасдан ёзилган¹³¹. Бу эса Цаонинг катта қисми чўл (ҳозирги Қарнаб чўлининг шарқий қисми) бўлганлигини кўрсатади.

Хитой йилномаларига кўра, Ғарбий Цао ҳукмдорлиги *Шуайдушана*, *Суйдуйшана*, *Кипутана* (Кабудон) ва *Судучжини* шаклларида тўрт хил аталган. Мазкур ҳукмдорлик *Сидихын* (Иштихон) томонидан бошқарилган. Ҳукмдор *Гэло-пуло* (Қора-бўғра) маҳаллий буюмлардан ҳадялар билан Хитойга элчи юборган¹³². Лекин тадқиқот натижаларидан маълум бўладики, Хитой йилномаларида келтирилган Қора бўғра – Гэло-пуло Уструшона ҳукмдори бўлган. Унинг Суғд марказида жойлашган Иштихон ҳукмдори деб кўрсатилиши манбадаги чалкашлиқдир.

Иштихон ҳукмдорлари Самарқандда ўтказиладиган барча тадбирларда, жумладан, аждодлар руҳига бағишланган қурбонлик маросимларида иш-

¹²⁶ СДГМ II. – С. 64.

¹²⁷ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 230.

¹²⁸ Смирнова О.И. О титуловании согдийских правителей. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 393-398.

¹²⁹ Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Ж.К. Новые материалы к изучению рустака Файй // История материальной культуры Узбекистана. – Вып. 27. Самарқанд, 1996. – С. 128-149.

¹³⁰ Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. – М.: Наука, 1964. – Т. II (2). – С. 380-388.

¹³¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 275, 286.

¹³² Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд 1-китоб. V-XI асрлар. ... – Б. 38.

тирок этганлар. Бу ҳукмдорлик Панч ёки Кешдан фарқли ўлароқ асосан марказ Самарқанддан бошқарилган.

Кабудон – Суғд конфедерацияси ҳукмдорликлардан бири. Буни йилномалардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди¹³³. Кабудон Самарқанд ҳукмдорлари хонадони вакиллари томонидан бошқарилган.

О.И.Смирнова нумизматик маълумотлар асосида араб манбаларида келтирилган Уструшона ҳукмдори Ҳайдар Афшиннинг авлоди Хара буғрани Кабудон ҳукмдори сифатида келтирган¹³⁴. А.Отахўжаев хитой йилномаларига таянган ҳолда 731 – 738 йилларда Мосйенни Кабудон ҳукмдори бўлган, деб ҳисоблайди. Унинг вафотидан сўнг 740 йилдан бошлаб Кабудон ва Иштихон ҳукмдори туркий «Ўн ўк» сулоласи вакили Хара буғра бўлган деб тахмин қилади¹³⁵. Аммо, Хара буғра исмининг туркий эканлиги унинг ушбу сулола вакили деб ҳисоблашга асос бермайди. Бинобарин, бу даврда Иштихон ва Кабудон ягона ҳукмдорлик бўлмаган.

Суғд конфедерациясининг бугунги Каттакўрғон тумани ҳудудига тўғри келадиган ҳукмдорлиги йилномаларда «Хэ» деб келтирилган. Бу Суғднинг Кушония ҳукмдорлиги бўлиб, ҳукмдор хонадони «Чжаову» деб номланган ва у Кан (Самарқанд) сулоласи тармоғидан бўлган¹³⁶. Кушония ҳам алоҳида маъмурий-сиёсий бирлик сифатида Самарқанд хонадони вакиллари томонидан бошқарилган. У Суғднинг обод шаҳарларидан бўлиб, Зарафшон воҳасининг маданий марказларидан бири ва аҳолиси Суғднинг бошқа ҳукмдорликларига нисбатан фаровон ва бой бўлган¹³⁷.

Дунхуан, Гансу ва Шарқий Туркистондан топилган суғдий ҳужжатлар ва «Кўхна хатлар»да (II-III асрлар) суғдийлар, Самарқанд мамлақати, кушонияликлар, маймурғликлар, кешликлар, Хитойдаги ажнабий савдогарлар тўғрисида маълумот келтирилади¹³⁸. Ҳужжатларда келтирилган «кушониялик» атамаси Кушония ҳукмдорлиги фуқароси сифатида тилга олинган.

Кушония билан чегарадош Суғд конфедерациясининг яна бир ҳукмдорлиги Фай бўлиб, у бугунги кунда Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани ва унинг атрофи ҳудудларига тўғри келади¹³⁹.

Марказ Самарқанддан 2 кунлик масофада жойлашган Фай ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилган¹⁴⁰. Унинг баъзи ҳолларда мустақил сиёсат олиб борганлиги ҳамда алоҳида ҳукмдорлик бўлганлиги аниқланди.

Араблар босқини даврида Файнинг марказ билан муносабатлари ўзгарган. Хуросон ноибиди Саид ибн Абдулазиз даврида (719 – 720) араблар анча заифлашиб, турклар ва маҳаллий аҳоли уларга жиддий қаршилиқлар кўрсатганлар. Шундай ҳаракатлардан бири 720 йилда бўлган Курсул бош-

¹³³ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 271-276.

¹³⁴ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 425.

¹³⁵ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 81-82.

¹³⁶ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 280-287.

¹³⁷ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 83.

¹³⁸ Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь / Энциклопедический справочник. – Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – С. 107-112.

¹³⁹ Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Ж.К. Новые материалы к изучению рустака Фай. ... – С. 128-149.

¹⁴⁰ Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра / Соч. – М.: Наука, 1963. – Т. I. – С. 144.

чилигидаги ҳарбий ҳаракат эди. Бу даврда Дабусия яқинидаги ал-Бохийий қасрини қамал қилган Курсулга қарши Самарқандни бошқараётган Усмон ибн Абдуллоҳ, Мусаййиб ибн Башир ар-Риёҳ бошчилигидаги турли қабила вакилларида тўпланган тўрт минг кишилик кўшинни ёрдамга жўнатади. Қалъаи Бохийийга 2 фарсах (1 фарсах 6 километрга тенг) қолганда араблар кўшинини икки минг киши тарк этган. Мана шу ерда уларга Фай ҳукмдори Турк-хоқон бошчилигидаги кўшин келиб кўшилган. Арабларнинг Қалъаи Бохийий учун бўлган ҳарбий ҳаракатларида Файлик аскарлар ҳам қатнашган ва уларни озиқ-овқат билан таъминлашган¹⁴¹.

О.И.Смирнова Табарий маълумотларига суяниб келтиришича, Иштихон ҳукмдори Корзанч бошчилигидаги гуруҳга кўплаб Файлик кишилар келиб кўшилган¹⁴². Фай одамлари орасидаги бўлиниш натижасида аҳолининг асосий қисми Корзанчга эргашиб Фарғона томон йўл олган бир вазиятда жон сақлаш мақсадида ҳукмдор Турк-хоқон арабларга иттифоқчи бўлган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи банди «**Суғд конфедерацияси таназзулига сабаб бўлган омиллар**» деб номланган бўлиб, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, ушбу даврда Турк хоқонлигида ички низолар кучайган. Айниқса, Ашина Мише (658 – 662) даврида бундай низолар тобора авж олиб, хоқонлик ўз вассаллари ички ишига аралаша олмай қолган;

Иккинчидан, Ғарбий Турк хоқонларининг тез-тез алмашинуви сиёсий беқарорликни вужудга келтирди, натижада сиёсий вазиятни назорат қилиш сустрлашди;

Учинчидан, араб халифалигининг юришлари Суғддаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга салбий таъсир этди. Маҳаллий аҳоли ва аслзодалар солиқ тўламаслик учун оммавий равишда ислом динини қабул қила бошлашди. Натижада, халифалик хазинасига келадиган тушум камайиб кетади. Бу эса халифалик маъмуриятининг Суғдда исломга ўтувчилар учун янги шартларни белгилашини тақозо этарди. Янги жорий қилинган шартлар аҳолининг норозилигига сабаб бўларди ва мамлакатда яна уруш ҳаракатлари бошланарди;

Тўртинчидан, эса ички сиёсий беқарорлик арабларнинг юришларини тезлаштирувчи омил бўлди. Натижада Суғд конфедерацияси инқирозини тезлаштирган «ислом динини ёйиш» сиёсати кучайган. Бунга қарши кўтарилган Деваштич ва Корзанч бошчилигидаги кўзғолончиларнинг мағлубияти конфедерациянинг сиёсий жиҳатдан халифаликка қарам бўлишига ва кейинчалик барҳам топишига олиб келди;

Бешинчидан, араблар босқини арафаси ва босқин жараёнларида Суғд конфедерацияси ҳукмдорларининг бир-бирларига душманлик кайфияти, уларнинг марказ тахти учун курашлари конфедерация таназзулига олиб келган омиллардан биридир.

VIII асрнинг иккинчи ярмига қадар баъзи ҳукмдорликларда суғдий ҳукмдорлар ўз номларидан танга-пул зарб қилганликлари ва тахт тепасида турганликлари маълум. Бу арабларнинг вақтинча муросачилик сиёсати эди.

¹⁴¹ История ат-Табари. ... – С. 180.

¹⁴² Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 246.

Хусусан, Ғуракнинг ўғли Турғар 750-йилларга қадар Иштихондан туриб фаолият юритган бўлса, Кешда Ихрид Таран 760-йилларгача тахт тепасида турган. Фай арабларнинг Самарқандга юришлари давридаёқ эгалланган¹⁴³. Фақат Панчда бошқарув масаласи номаълум. Балки 722 йилда Панч араблар томонидан эгаллангандан сўнг хавфли исёнкор вилоят сифатида унинг бошқаруви халифалик ноиби ихтиёрига топширилган.

Хуллас, Араб халифалигининг юришлари натижасида Турк хоқонлиги ва Суғд конфедерацияси ҳудудлари қўлдан кетди. Халифалик ҳукмронлиги ўрнатилди. Маҳаллий диний тизимлар ўз ўрнини ислом динига бўшатиб бера бошлади. Урф-одатларда трансформацион жараён кучайди. Суғдчиликнинг этник ижтимоий моҳияти ҳам йўқола бошлади. Суғдлар туркий аҳоли ва араблар қўшини билан кириб келган ғарбий эрон, форсийзабон контингенти билан қориша бошлади. Натижада ҳозирги ўзбек ва тожик халқларининг янги асосларда шаклланиши учун замин юзага келди.

ХУЛОСА

«Суғд конфедерациясининг шаклланиши, тараққиёти ва таназзули» мавзуидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган илмий излашнишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Хитой йилномаларида келтирилган Самарқанддаги сулоланинг етакчи бўлганлиги ва унинг тўққизга бўлинганлиги, нумизматик материаллар асосида Суғддаги ҳар бир ҳукмдорликнинг ўз танга зарбига эгаллиги ҳамда Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган ташқи душманга қарши биргаликда иттифоқ тузиш, араб ва форс манбаларида келтирилган Суғд чегараларининг доимий равишда ўзгариб туриши каби мисоллар Суғд тарихий-маданий ўлкаси конфедератив асосда бошқарилганлигини тасдиқлайди.

2. Тадқиқотларда Суғд тарихига конфедератив асосда қараш учрамайди. “Суғд конфедерацияси” жумласи В.А.Лившиц, Б.Гафуров, М.Исҳоқов, А.Отахўжаев, Ғ.Бобоёров, Ш.Шоёқубов каби тадқиқотчиларнинг ишларида келтирилади. Лекин унинг шаклланиши ва ички хусусиятлари ҳақида маълумот берилмайди. Илк ўрта асрларда Суғд конфедерацияси ва унинг хусусиятларини ёритувчи алоҳида махсус тадқиқот олиб борилмаган.

3. Суғд конфедерациясининг маъмурий-сиёсий тузилиши унинг табиий-географик жойлашуви билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, воҳадаги ҳар бир кичик ҳукмдорлик ўзи жойлашган ҳудуд – дарё ҳавзаси, тоғ ёки қирлар орқали бири иккинчисидан ажралиб туришидан келиб чиққан ҳолда ўзаро алоқадорликдан манфаатдор маъмурий-сиёсий бирликларга айлана борган. Бу жараёнда этник ва ижтимоий жихатдан муштараклик ҳам алоҳида рол ўйнаган.

4. Суғд конфедерациясининг шаклланиши бир неча асрларни ўз ичига олган бўлиб, гарчи Суғд воҳаси ҳар доим ҳам ягона иттифоқ ҳолатини сақламаган бўлса-да, бироқ минг йилга яқин давр мобайнида гоҳ торайган, баъзан эса кенгайган бўлса ҳам, муайян бир сиёсий уюшма – конфедерация

¹⁴³ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 280, 282.

шаклида амал қилган. Унинг шаклланиш жараёни Суғднинг ўз ички ташаббуси ёки ташқи таъсирлар билан алоқадор ҳолда у ёки бу даражада ўзгариб турган бўлса-да, асосий моҳиятини йўқотмаган.

5. Конфедератив бошқарувда марказ битта шаҳар бўлиб, унга бирлашган иттифокдош худудларнинг ҳар бири ўз номидан танга-пул зарб қилиши, ҳокимият рамзларига эга бўлиши ҳамда душман хуружи даврида марказга ўз кўшини билан ёрдам бериши ва маънавий тадбирларни биргаликда бажариш шарти ҳам бўлган. Тил, дин ва этник мансублилик жиҳатдан ҳам умумийлик муҳим аҳамият касб этган. Хуллас, Суғд ўзининг бошқарув тизими, солиқ сиёсати, маъмурий бўлиниши, ҳукмдорлар шажараси, ҳокимият рамзлари мавжуд бўлган конфедератив давлат кўринишига тўла мос келади.

6. Суғд конфедерацияси таркибидаги барча маҳаллий ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг бош унвони бир-биридан фарқли бўлиб (*Самарқандда – ихшид*, *Кешда – ихрид*, *Нахшабда – испахбод*, *Панчда – афшин* ва ҳ.к.), ана шу хусусияти билан ҳам улар Бухоро ва Тохаристон таркибидаги майда ҳукмдорликлардаги *бухорхудот* ва *жабғу* каби унвонлардан ажралиб туради.

7. Суғд конфедерацияси давлат маҳкамачилиги бошқарув тизимида хужжатчиликка қатъий амал қилинган. Девон (дабиристон) хизмати йўлга қўйилган. Тилхат ва фармонлар, мактубларнинг ҳар бирида хужжатнинг санаси: йили, ойи, кунларини белгилашга қатъий риоя қилинган. Шунинг ўзиёқ давлатчиликнинг асосий хусусиятларидан бири бўлган бошқарувнинг яхши йўлга қўйилганини исботлайди.

8. Суғд конфедерациясида подшолик сулоласининг номи хитой манбаларида «Чжаову» деб келтирилган. Унинг маҳаллий шакли «Жамук» ёки «Чамук» бўлган деб тахмин қилинади. Ушбу сулоланинг этник келиб чиқишида туркий ва суғдий этнослар иштирок этишган. «Бэй ши» ва «Суй шу» йилномаларида *Хэ* (Кушония) ва *Ми* (Маймурғ) ҳукмдорларининг келиб чиқиши *Кан* (Самарқанд) хонадонига мансублиги манбалар асосида ўз тасдиғига эга.

9. Суғд конфедерацияси ҳукмдорларининг бир-бирига сиёсий муҳолифлиги, диний қарашлардаги ислом динининг етакчи ўринни эгаллаши ва маҳаллий динларнинг сиқиб чиқара бошлаши, суғдий тилнинг йўқола бориши, ўрнини арабий, форсий, туркий тиллар эгаллаши натижасида Суғд конфедерацияси нафақат сиёсий жиҳатдан, балки ижтимоий ва маданий жиҳатдан таназзулга юз тутди.

10. Олий таълим муассасаларининг ижтимоий гуманитар йўналишлари учун яратилган ўқув адабиётларида, дарслик, ўқув қўлланмаларида Суғдиёна тарихи тўғрисида маълумотлар кам. Ўқув режаларда Суғд конфедерацияси тарихи ва турк-суғд муносабатларини кенгроқ акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. Tar.01.04 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА, КООРДИНАЦИОННО-
МЕТОДИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ ПО ВОПРОСАМ НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ
УЗБЕКИСТАНА, ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ, КАРАКАЛПАКСКОМ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИСТИТУТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ГОЙИБОВ БОБИР СОБИРОВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ, РАЗВИТИЕ И УПАДОК СОГДИЙСКОЙ
КОНФЕДЕРАЦИИ**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора наук (DSc) по историческим наукам зарегистрирована под номером В2017.3. DSc/Таг69 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Работа выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ik-tarix.nuu.uz>) и на веб-странице информационно-образовательного портала «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Исхаков Мирсадик Мирсултонович**
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мавланов Уктам Махмасабирович**
доктор исторических наук, профессор

Ахунджанов Эркин Адирович
доктор исторических наук, профессор

Эшов Баходир Джураевич
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация: **Институт востоковедения АН РУз**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в __ часов на заседании Научного совета DSc. 27.06.2017. Таг.01.04 при Национальном университете Узбекистана, Координационно-методическом центре по вопросам новейшей истории Узбекистана, Институте истории, Каракалпакском научно-исследовательском институте гуманитарных наук (адрес: 100174, город Ташкент, улица Мирзо Голиб, Исторический факультет, 1 этаж, 110-кабинет. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871)246-02-24; E-mail: nauka@nuu.uz Национальный университет Узбекистана).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за №__). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального Университета, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года
(реестр протокол рассылки №__ от «__» _____ 2017 года)

А.А. Маврулов
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени, д.и.н.,
профессор

Х.Э. Юнусова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.и.н.

С.Б. Шадманова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.и.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сложные процессы, проистекающие в сегодняшнем мире ставят в необходимость определения места каждого народа в развитии человечества. Знание прошлого и ценностей своего народного достояния обеспечит мир, благополучие и развития каждого народа. Это, в свою очередь требует знания собственной истории. Поэтому историческая наука в мировом масштабе обретает практическую значимость.

Уже с первых дней независимости в Узбекистане, наш народ стал уделять особое внимание изучению истории, национального самосознания и духовных ценностей. Теоретико-методологические основы этих необходимых процессов были разработаны Первым Президентом Республики Узбекистан Исламом Каримовым, которые стали руководством для ученых историков в изучении истории узбекского народа и трёхтысячелетней истории его государственности¹. Глубокое и всестороннее изучение на основе этого концептуального требования раннесредневекового этапа истории узбекской государственности имеет особое значение². Этот этап в истории узбекской государственности являлся периодом редкого политического опыта: Тюркский каганат соединил в своем составе ряд государственных объединений, в частности, Тохаристан, Чач, Согд, Фергана, Уструшану, при этом сохраняя для каждого из них свою относительную автономию.

Эта редкая форма управления, которая мало встречается в мировой истории, с одной стороны, была выгодна и эффективна и для каганата, а с другой стороны, для Согдийской конфедерации, занимавшей в свое время долину Зеравшана и Кашдарьинский оазис³. Кроме того, посредническая деятельность Согда, осуществляемая им в международных торгово-экономических, культурных отношениях на торговом пути Центральная Азия – Индия, затем на Великом шелковом пути, на различных этапах привлекала к себе внимание заинтересованных в его подчинении империй. Но при любых обстоятельствах, в составе какого бы государства Согд не находился, его заинтересованность в сохранении автономии приобретала решающее значение. Это, в свою очередь, создало возможность для формирования внутреннего конфедеративного объединения земель Согда. Цельное, системное изучение истории местных владений, действовавших в различной степени относительно независимо, входя в состав Тюркского каганата, составляет совокупность важных научных проблем. Этой проблеме не уделялось должного внимания в науке. В частности, до настоящего времени ещё не были проведены специальных исследований, связанных с формированием, разви-

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. – Тошкент: 1999. – Т. VII. – Б.132-154.

² Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси / O'zbekiston tarixi. – 1999. – № 1. – Б. 31-34.

³ Термин «Согдийская конфедерация» используется относительно Самаркандского Согда, владений Кеш и Нахшеб (Центральный Согд). Вопрос о Бухарском Согде, включавшим в себя 22 владения, остается открытым в качестве объекта исследования.

тием и упадком Согдийской конфедерации. Это обстоятельство определяет актуальность диссертации.

Нахождение передовых и выгодных решений в разрешении проблем политического управления через изучение одного из этапов развития государственности, обоснование, основываясь на точные в теоретическом и практическом отношении сведения, наличия издревле опыта их применения на практике определяет востребованность выполнения темы диссертации. А также, востребованность исследования также связана с возложенной на ученых ответственностью восстановления правдивой истории нашего народа и национальной государственности на основе идей, отмеченных во время беседы Первого Президента Республики Узбекистан с группой ученых историков 26 июня 1998 года.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: I «Духовно-нравственное, культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Международный обзор научных исследований по теме диссертации⁴. Научные исследования, посвященные проблемам Согдийской конфедерации в рамках согдологии ведутся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Центре Восточных и Африканских исследований (Великобритания), Школе гуманитарных наук в Париже (Франция), Университете Киото (Япония), Институте лингвистики Академии наук России (Москва), Институте Восточных рукописей Академии наук России (Санкт-Петербург), Институте истории при Академии наук Узбекистана (Узбекистан).

Основные итоги, проводившихся в мировой согдологии, исследований, касающихся нашей темы, нижеследующие: с научными примечаниями издан корпус согдийских документов с горы Муг (Институт восточных рукописей Российской академии наук, Санкт-Петербург); на основе письменных источников научно доказано, что в раннем средневековье в Согде проходил развитый этап истории государственности народов Центральной Азии (Центр Восточных и Африканских исследований, Великобритания), раскрыто место Согда в интеграционных процессах на Великом шелковом пути (Школе гуманитарных наук в Париже, Франция), на основе согдийских документов, хранящихся в музеях Китая и Японии, уточнены сведения, связанные с историей Согда, которые касаются культуры, письменности, политической жизни (Центр языковых исследований Киотского университета, Япония).

В настоящее время ведутся исследования по следующим приоритетным направлениям изучения истории Согда: изучение исторической географии Согда на основе материалов согдийских письменных источников; история монетного чекана в Согде, палеография легенд на монетах, история хозяйствен-

⁴ Обзор международных научных исследований по теме диссертации <http://www.brill.com>; <https://www.ehess.fr>; <https://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.ivran.ru>; <https://iling.spb.ru>; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://uzhistory.uz>; <https://www.soas.ac.uk> и на основе других источников.

ных отношений раннесредневекового Согда на основе документов с горы Муг; история религиозно-этической, философской, духовной жизни согдийцев.

Степень изученности проблемы. Согдийская конфедерация с центром в Самарканде объединяла такие владения, как Кеш, Нахшеб, Панч, Маймург, Иштихан, Кабудан, Кушания, Фай. Однако, не было создано специальной истории Согдийской конфедерации⁵. Рассмотрение истории Согда в качестве конфедеративного объединения само по себе является новой научной точкой зрения. Термин «конфедерация» использовался по отношению к Согду иногда в связи с различными отношениями, лишь попутно без объяснения. По этой причине, свое отношение к проблемам историографии вопроса мы посчитали нужным изложить в разделе, посвященной данной проблеме.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертационная исследования выполнена в рамках научно-исследовательских работ Самаркандского государственного университета ППИ-1 «История государственности на территории Узбекистана» (2010-2015 гг.).

Цель исследования – раскрыть место и особенности Согдийской конфедерации в истории узбекской национальной государственности.

Исходя из этой цели, были поставлены следующие **задачи**:

определить основы источниковедения и историографии темы, анализируя источники, отражающие историю Согдийской конфедерации;

раскрыть политические, социальные факторы, связанные с формированием и упадком конфедерации;

определить административное устройство конфедерации и внутренние взаимоотношения ее субъектов;

раскрыть политический статус Согдийской конфедерации во время ее вхождения в состав Тюркского каганата и в период ее развития;

показать географическое расположение, административно-территориальное устройство владений, входивших в состав Согдийской конфедерации, а также схожие и отличительные особенности в их системах управления;

определить взаимоотношение отдельных владений с Самаркандом – главным городом Согда.

